



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 12-oktabr • №41 (4180)

## СЕН МАНГУСАН, МУҚАДДАССАН, ОНА ТУПРОҚ

Саҳар салқинида Тошкент вилояти ҳудудидан Жиззахга қараб йўлга чиқишимиз билан ҳаво ўзгарди. Дала-даштнинг тоза, ўйноқи шабадаси эса бошлади. Йўл ёқасидаги гуркираб ўсиб ётган оч кулранг ва қирмиз-сафсар буталар тобора кўпайиб, машиналар қатнови ҳам тивизлаша бошлади.

Чўл ҳудуди, шуурларимизда оғир шароитларда ҳосил етиштириш тасавури яшаб қолган Жиззах кўчалари ва бинолар худди тарих саҳифалари каби, сўзсиз-овозсиз гапирди. Жиззахда ҳам бир маҳаллар "янги шаҳар" бўлган. Бир қаватли, готик усулда қурилган уйлар ҳали ҳам

ҳавасимиз келади. Орасида шу йил биринчи синфга бораётган, мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги шодиёнасида ҳаммани тўлқинлантириб "беш юз эмас, беш минг эмас, беш юз мингмиз" деб ўзла-

### Ёзувчилар уюшмаси айланмаса баған

рени намоён этган кичкинтойлар ҳам бор. Дарахтларнинг мевалари гарқ пишган, ўтлар баланд ва бўлиқ, йўлда учраган кишиларнинг айтишича, бу йил бугдой ҳосили кутилганидан ҳам мўл бўлибди. Ҳозир биз ўтиб бораётган ерлардаги бугдойлар аллақачон йиғиштириб олиниб, ўрнига иккиламчи экинлар — мош, кунгабоқар экилибди, улар ҳам аллақачон бўй чўзилибди.

Тупроқ бағридаги маъданларни тўлқинлантириб, ҳосил шаклида ер юзига ранг-баранг қилиб сочиб юборган улкан ризқу рўз аломатлари ҳар қадамда, ҳар нигоҳда намоён бўлаверди. Чор атрофда жўшиб турган шу барақа аломатлари билан теварақдаги шаҳар ва киш-

лоқларнинг гуркираши ўртасида ажойиб бир боғлиқлик борми, дейман. Илк кўзга ташланиб турган нарса барақа экани одамнинг кўксини кўтарди, гурур ва ифтихор пайдо қилади.

Шу мамнуниятни бошқаларда ҳам пайқаймиз.

Жиззах туманига кириб борамиз. Ши-жоатли ва мулоҳазали экани тутумидан билиниб турган илғор фермер — Гани Иномов билан кўришамиз. Ганибойнинг шийпониде ҳеч ким йўқ, "Чунки ҳосилимизни кеча йиғиб тугатдик", дейди у. Эл-юрт қараб турмади, ҳашарчиларимга ҳамма шароитни яратиб бердим, ҳар катта қозонда ош дамлатдим. Ҳашаримиз тўйда ўтди. Чунки бу йил барақалар келди, дейди у. Ҳали кўрасилар, ҳамма томонда ҳосил мўл, ер бетиде гуркираб сочилиб ётипти.

Ўн бир йилдан бери фермерлик қилаётган бу кишининг 82 гектар ери бор экан. 160 тонналик режасини бажариб, қўшимча яна 102 тонна бугдой топирибди, ўзига ҳам 30-40 тонна ортиб қолибди. Ўтган йили илғорлардан бўлгани учун вилоят ҳокимлигидан янги "Каптива" мукофот олган экан, лекин ўзи "Ласетти" ҳайдаб юрибди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев оила даврасида. Абдугани Жума олган сурат.

### Мирпўлат МИРЗО

## ШУКРОНАЛИК

Уфқда аёзлар бўй кўрсатса ҳам, Хирмонлар ёнига хирмон тўплар у. Бу йилги куз яхши келди-да бирам, Деб тонгда ҳовурли чойдан ҳўплар у.

Бир ён дурқун боғлар — болга тўлди заб, Нени умид қилди — берди сахий ер. Қут ва барақага боқадди яйраб, Бизга Яратганининг ҳиммати бу, дер.

Ҳадемай кумуш қиш қилар замзама, Оқара бошлайди яйлов, дала-қир.

Қорайган тоғларни қор боссин — ҳарна Кейинги йил учун ризқ бўлар, ахир.

Топар ҳар тирик жон бир муддат ором, Бироқ сен тутгансан вақтнинг имқоний, — Энди қаддингни тик, тўйлар қил шоён, Йил бўйи тинмадинг, бободехқоним!

Аммоки ёт унга қудурат, миннат, Кўнгли кенг даштдаги дарёдек оқар. Тилида шукрона, дилида ҳиммат, Кўҳна дунёга у жилмайиб боқар.

Уч йилдан буён ўтказилиб келинаётган "Theatre.UZ" халқаро фестивали ўзбек ва хориз театр намоёндалари ўртасида мустақкам ижодий алоқа ўрнатти, ўзaro фикр ва тажриба алмашишда катта рол ўйнамоқда.

Навбатдаги VII ArtWeek Style.UZ санъат ҳафталиги доирасида ҳам "Ўзбе-

кистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон Ёшлар театри ташаббуси билан ташкил этилган "Theatre.UZ/2012" учинчи халқаро театр фестивали юқори савияда ўтди.

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Бу йилги фестивал ижодий лаборатория шаклида ташкил этилди. Шу жиҳатдан унинг асосий йўналиши санъат объектини яратиш ва ривожлантириш жараёнини ўрганиш деб белгиланди. Унда томошабин ва ёш мутахассислар жараённинг фақат баҳоловчиси эмас, бевосита иштирокчисига ҳам айланди.

Анжуманда беш хоризжий мамлакатдан ташриф буюрган театр жамоалари билан биргаликда, республикамизнинг 14 театри ҳам ўз спектакллари билан иштирок этди. Шу билан бирга, бир қатор кўшма лойиҳалар, маҳорат дарслари, маърузалар ҳамда ижодий учрашувлар ташкил этилди. Томошабинларга тақдим этилган спектакллар мавзу, жанр, шакл жиҳатидан хилма-хил. Улар орасида ҳам классик, ҳам замонавий асарларни кўриш мумкин.

Ушбу фестивал, аввало, ёш ижодкорлар учун катта майдон яратиб бергани билан эътиборли. Хусусан, ёш режисёрларнинг анъанага айланган "Дебют" кўрик-фестивалида ижодкорлар ўз спектакллари намоёиш этди. Бу эса республика микёсида ўтказилаётган фестивал ҳамда танловлар халқаро фестивалларга чиқишида муҳим қадам бўлаётганидан далолатдир.

Алишер Навоийнинг "Сади Искандарий" дostonи асосидаги "Искандар" (Б.Бозоров инсценировкаси) моноспектаклини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти битирувчи курс талабаси А.Холмўминов сахналаштирган. Актёр С.Маннонов спектакл давомида бир неча қаҳрамонни гавдалантирар экан, юриш-туриши, сўзлаш услуби, имо-ишоралари билан турли характерларни ярата олган. Режиссёр рамзий ифода воситаларидан ўринли фойдаланган. Саҳна ўртасидаги оқ мато ҳам тахт, ҳам қабр вазифасини ўтаса, қаҳрамон қўлидаги турли рангдаги камонлар Искандарнинг улкан саркарда эканини ифодалаб туради. Композитор М.Бафоевнинг 3 қисмли "Зикр ал-Ҳақ" симфоник асаридан олинган лавҳалар спектакл руҳиятига мос танланган. Мазкур спектакл орқали режиссёр, айниқса, актёр истеъдоди ёрқин намоён бўлган.

Сурхон кўёш кучоғидаги воҳа. Баъзи йиллари кузи ёзга ўхшайди. Ёзи-чи! Айтмасам ҳам биласиз, уч ой жазирама иссиқ...

## ДЕҲҚОНЧА ҚИЛИБ АЙТГАНДА

Ҳозир айнаи куз палласи. Юрт бу фаслнинг юрагида. Кўз ўнгинида олам олтинланган. Нуронийлик унда, илоҳийлик унда. Тикилиб тўймайсиз, хаёлларингиз ҳад билмайди. Уйларингиз етти рангга эврилади. Нигоҳингизни биринчи бўлиб боғлар, дарахтлар ўзига тортади. Ҳаётнинг қайси манзилда бораётганини дарахтлар бизга айтиб тургандай. Улар жуда донишманд. Борлиқнинг ҳамма сирларидан огоҳ. Япроқлари юракка ўхшайди. Яшилланади, ҳайқиради, сарғаяди, шивирлайди, ҳазин ўйларга ботади. Яшамоннинг моҳияти нимада эканини англамоқчи бўлсангиз, барглар шитирига қулоқ тутинг. Ҳаётнинг ўзи бўлиб сўзлайди. Вақт аталмиш ўқур от ҳеч қачон тўхтамайди. Узилиб тушаётган барглар ўтаётган дақиқа. Биз кўпинча баҳор тез ўтиб кетди, деймиз. Куз ҳақида-чи? У мангу, аллома бободай сўзлари пурмаъно, кўзлари теран.

### Ватан учун яшайлик!

Дарёларнинг сувларига қаранг. Сумбуланинг сувлари бу. Тиниклигини кўриб, юрагингиз хайратланади. Қаердан олди бунча шафқофликни, сокинликни, ҳаётнинг ўзидан эмасми!

Давоми иккинчи саҳифада.

## "ОЛТИН ГЕПАРД" ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



ArtWeek Stile.Uz санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган "Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофоруми кино санъатининг янги даврга хос кенг манзарасини намоён этишда муҳим рол ўйнамоқда.

Бу йил иккинчи мартаба ўтказилган мазкур кинофорумда иштирок этиш истагини билдирган кино ижодкорлар ва уларнинг ижод на-

кўрик учун танлаб олинди. "City Makon" кўнгилочар марказида очилган кинофорумда дастлаб ўзбек киносининг илк намуналаридан бири — режиссёр М.Доронининг "Иккинчи хотин" овозсиз фильми намоёиш этилди. Экрандаги қисқа-қисқа сатрларда филм мазмунини томошабинларга тушунтириб берилган бўлса-да, таниқли санъаткор Абдуҳошим Исмоилов ҳамда "Сато" гуруҳи биргаликда жонли ижро этган куйлар картинанинг таъсирчанлигини икки ҳисса оширди. Томошабинлар бу филмни мароқ билан томоша қилишди.



муналари кўплиги анжуманнинг географик доираси кенгайиб бораётганидан далолат берди. Танловга тақдим этилган ижод намуналаридан 10 та анимацион, 11 та қисқа ва 12 та тўлиқ метражли филмлар

Давоми бешинчи саҳифада.

### "Style.UZ-2012"

"Style.UZ" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган энг йирик лойиҳалардан бири — VI халқаро "ТошкентАле-2012" фотобиеннале-си ўз якунига етди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида танлов фолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу йил тадбирда қирққа яқин мамлакатдан икки юздан ортиқ фото усталари иштирок этган бўлиб, танлов доирасида ўтказилган кўргазмаларда бир ярим мингдан ортиқ ижодий ишлар намоёиш этилди. Шунингдек, фо-

## ФОТОБИЕННАЛЕ ФОЛИБЛАРИ

тобиеннале кунлари хоризжлик машҳур фото ижодкорлар иштирокида маҳорат соатлари ташкил этилди. Тошкент фото уйида "Фото санъати: ўтмиш, бугун ва келажак" мавзусида бўлиб ўтган илмий анжуманда муҳлислар соҳа мутахассисларининг қизиқарли маърузаларини тинглаш имқонига эга бўлишди.

Танлов натижаларига кўра "Оила мавзусига бағишланган энг яхши фото иши" учун бош соврин украиналик Александр Хорватта топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга ўзбек фото санъатининг истеъдодли вакилларидан



Эркин ФАҚИРОВ

### БИЛДИРИШ

Шу йил 17 октябр чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърят" тўғрагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.

Мавзу: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қават. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Давоми бешинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Қани у мукофот, минмаясизми? — Бизга катталик қилар экан, — деб кулади Фанибой. — Зўр, жуда зўр улов, ўзимизда шунақа замонавий машиналар чиқатганига қувониб кетаман, лекин барибирам катта-да. Эл-юрт орасида сал камтарроқ юрган тузук.

Фани ака сокин-осойишта гапирди. "Яна нима керак одамга", дейди. Неки толган-тутган бўлсам, бари мана шу тупроқ, шу ер туфайли. Ҳали сиз мева-чева, сабзавот ҳосилини кўрмабсиз. Хўв нарида Олтиариқдан бир миришкор дехқонни атай олиб келиб, Ризамат ота узумидан эктирганман, шигил-ши-

ги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари муҳасса бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта".

Шу гапларнинг нақадар ҳақ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, дейди Фанибой.

Қишлоқ аҳли билан хайрлашарканмиз, аёллардан бири тандирдан сингиб пишган битта бутун нонни бизга узатади, олинлар, мағзи жуда ширин, саҳарлаб ўзим ёпганман, дейди кулимсираб. Абдунаби ака ҳақжонлиб кетади, ўз китобини дастхати билан

Бепоев дала-тузнинг тетиклаштирувчи ўйноқи шабадаси эсган шу кечада навнихол қизгинанинг жўшқин шёри ёқимли ва гўзал туюлади. Ҳамма уни олқишлайди, қарсақлар чалинади.

Кишиларимизнинг руҳи бардам, келажакларига ишонч кўзларида чақнаб турибди. Нарироқда кимнингдир тугилган куни ҳам нишонланаётган экан, биз ҳам бориб табриклаймиз. Юзлаб кишилар билан кўришганимизда ҳаммасининг юз-кўзидаги самимият, оддийлик, кишиларга ишонч ва бағрикенглики кўриб, Тангри таоло шу элнинг, шу юртнинг фарзанди қилиб яратганига шукроналар тилга келади, халқимизди, юртимизни нақадар севишимиз юрагимизда ёруғ, ёғдуланувчи ҳис тўлқинларини ҳосил

ДЕҲҚОНЧА ҚИЛИБ АЙТГАНДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Мен лойдан санъат асари яратаман. Қандай қилиб? Бунинг сир-асрорлари ҳақида гапирсам, гап кўп. Куз фасли билан боғлиқ муҳим жиҳати тўхталаман. Биринчидан, куз ўзида тўрт фаслни жамлаган. Йилнинг моҳияти бор унда. Маълумки, ҳар қандай тупроқдан, лойдан мўъжиза яратиб бўлмайди. Тоғлар тупроғи баҳорги селу тошқинларида сойга, дарёга тушади. Қанчадан қанча тошдан ўтади. Тупроқ сувда узоқ йўл босади. Энди у селу селобдаги хом тупроқ эмас, энди у пишган гил. Унда тоғнинг баландлиги, селнинг шиддати, дарёнинг тошқинлиги жо. У кузги сокинликка етиб келгунча "фарқ" бўлиб пишган.

Бу тупроқдан уста кулол "дунё" яратади. Лойдан пайдо бўлган асар дунё кезади...

Куз бўлмаса тупроқ ҳам пишмас, асл санъат асарига айланмас экан-да?!

Абдурашид ака Сатторов қўли энгил шифокор. Бу гал учрашганимизда хўп қизиқ гапни айтди: "Мезон шамоли учмаса, кузнинг шамолидан тотмаса, тарвуз ҳам пишмайди..." Ҳайрон қоласизми-йўқми, ахир, ҳозирги замон илм-фанию янги технологияси тарвузни май ойда, айна баҳорда пиширапти-ку?! Фикрини билдирдим: — Са-ал муболага қилдингиз-ов ёки бу ерда бошқа гап борми?

— Сизни тушундим, — деди жилмайиб шифокор, — тарвуз баҳорда ҳам, ёзда ҳам пишайди. Бу ташқаридан қараганда шундай. Аслида эса у совуқ тобин бўлади, яъни совуқ мижоз. Тарвуз кузнинг тўла қуёшини олганидан кейин иссиқ мижозга айланади. Ана энди у мукамал пишган бўлади. Бундай тарвузнинг қуввати қазининг қувватига тенг. Кузнинг саховати чексиз...

Шундай пайтда бир ёруғ ўй ҳаёлимдан ўтади: "олтин куз", "оқ олтин"... Ким билади, бу фаслнинг бағрида яна неча "олтин"лар жамланган экан. Кузда мева-чеваларнинг пишиб етилиши, япроқларнинг сарғайиши, пахта-нинг териб олиниши... Буларнинг бари табиатнинг шунчаки йўриғими? Асло, ўндай эмас. Назаримда, табиатнинг ич-ичида, бизга кўринмас замирида моҳиятлар туташуви, ҳаёт муқаддаслигининг занжирий боғланглиги мавжуд. Дунё абадийлигининг соҳирий қудрати кузнинг ичу ташида яшаб келаётир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг куйидаги сатрлари ёдимга тушади:

...Заҳматкаш ўзбекининг ҳосили қандоқ? Кузнинг фалсафаси шундир биз учун. Улуғ меҳнат кезар шан далаларда, Ҳар ёнда ҳоким бир ташвиши илҳом...

Бугун Сурхондарё ҳам "олтин куз"даги "оқ олтин"нинг залворли ва улуг ташвиши билан яшамоқда. Аллома шоир Фафур Фулом меваю-неъматларни "қуёшнинг консерваси" деган эди. Пахта ҳам "қуёш консерваси"... Унинг ҳар бир толасида қуёш нурулари толаси бор, ахир. Куз пахта-нинг ҳам фарқ пишган пайти. Фермеру дехқоннинг юраги "гурс-гурс" ураётир. Сонялар йилга тенг. Куз ҳазон рангида эмас, пахта-нинг оқлиги-поклиги бурканиб кўринаётир. Бундай кезларда дехқоннинг кўнгида айтадиган гаплари бўлади: "Сурхон далаларига бу йил Аллоҳнинг нури тўкилди", "Барақанинг йили келди".

Дехқоннинг заҳмати дехқоннинг ўзи айта олади. Эътибор қилганмисиз, гоҳо катта файласуфлар ҳам, аллома шоирлар ҳам, сўзи олов нотиклар ҳам "Дехқонча қилиб айтганда" деган иборани қўлайдилар. Бу бежиз эмас. Дехқон ҳам заҳматкаш, ҳам донишманд.

Файзи Маматмуродов "Беш қаҳрамон" деган янги пахта навининг муаллифларидан бири. Пахтачиликда "пир" саналади. Эргаш бобо Жумаевнинг номи "Дехқон бобо" дея эъзозланади. Тожбой Ҳужамуродов саксон ёшда. Вақтида давлат мукофоти сазовор бўлган. Бугун ўғли товонидан ўт қақнаган фермер.

Қўмақурон туман ҳокими масъул ходими Қаҳрамон Алматов менга йўл кўрсатди: "Алимов Абдурайим"

фермер хўжалигида бўлинг".

Бордик. Фермер хўжалиги бошлиғи Олломурод ака Абдурайимов экан. Юзлари қуёшда қорайган оддий дехқон. Кўринишидан шижоатли, шиддатли. Кўзларида теранлик. Қадамлари тез. Гаплари маънавий. Нигоҳи жиддий.

— Мен кеча ёки бугун фермер бўлиб қолганим йўқ. 30 йилдан буён далада ишлайман. Биз турган ерни Чаёнтепа дейишади. Нега, биласизми, бу ерлар бир пайтлар дашт-саҳро, чўли биёвон бўлган. Ўт-ўланлар баҳорнинг ярмига келмай қовжираб қол-



ган. Чаёну илонлар кезиб юрган. Бугун-чи? Ариқдан оқаётган сувни кўраясизми? Сурхоннинг суви. Дехқоннинг умри бу... ҳаёти, ризқи, нони, кийими, тўйи...

— Кийинчиликлар йўқми? Омадингиз чопиб ҳаммасига осонгина эришасизми? — жилмайиб фермерга қарайман. Дала оралиб бораёпмиз.

— Кийинчилик... Айтинг, қаерда йўқ! Ерга битта да-нак экасиз. Тупроқни ёриб чиқиши осонми! Ҳар йили кузгача не-не машаққатларни энгиб ўтамош. Бу йил ре-жани биринчи бўлиб бажариб, шундан гўё 20-30 ёшга ёшаргандекман. Дунёга сизга яорибман. Буни далада ишлаган одам билади. Шу ерга сув уч боскичли кўтар-ма насос билан келади. Баъзан ўйлайман: инсон чин дилдан ишласа, ҳар қандай жойни обод қилади.

— Фермерлар билан кўп суҳбатлашганман. Лекин сиз-нинг фикрларингиз бошқача. Олий маълумотли, кўп китоб ўқиган кўринасиз?

— Ошириб юбордингиз, мендан баланд фермерлар ҳам кўп. Москвада институтни тугатганман. Газета, китоб ўқимай, янгиликлардан хабардор бўлмай қандай яшаш мумкин, албатта, ўқийман!

— Ростини айтсам, мени хурсанд қилдингиз. Балки тасодифдир, кейинги кейинги пайтда китоб ўқийдиган фермерларга, афсуски, кам дуч келдим.

Олломурод ака негадир мулоҳазамга фикр билдир-мади. Атрофида ёки ўзи билган фермерлар ҳақида ёлгон гапиргиси келмагандир. Яна бир савол сўрадим: — Институтда ўқиган курсдош дўстларингиз билан учраши тирасизми?

Фермернинг чеҳраси ёришди. — Бу йил ёзда бир курсдош дўстим келди. Иккин-чи келиши. Бойсундаги янги темир йўлни кўрсат-дим. "Чудо!" дейди. Шу темир йўл ростдан ҳам мўъжиза. Меҳмонни Самарқанд, Бухоро, Хивага олиб бор-дим. Кўҳна обидаларни томоша қилиб, қойил қолди. Ич-ичимдан хурсанд бўлдим, Ўзбекистон фарзанди бўлганимдан...

Куз... Табиат сокинликда, ҳаёт тошқинликда. Акт кезасиз, чарчқ сезмайсиз. Ҳорғинлик туймайсиз. Аксин-ча, руҳингиз қувватга тўлади. Дунё мағзи тўла ёнғоқ-дай. Аёну ниҳон эврилишларда табиатни, борлиқни, ҳаётни тушунасиз. Юрагингизнинг туб-тубидан бир ёруғ нур тошиб келади. Куз қанчалар маҳобатли, малоҳатли, матонатли. Унга меҳрингиз ошади. Олтин куз кезмоқ-да... Дунёнинг юрагидан ўтаётир у. Олам айланаётир. Ҳаёт эса абадий...

Менгнор ОЛЛОМУРОД

СЕН МАНГУСАН, МУҚАДДАССАН, ОНА ТУПРОҚ

ғил мева тугиб ётибди. Яна чор-вам, туяларим бор. Шу баҳордан бери қилган меҳнатимизнинг ҳосилини кўтариб, вилот-яда биринчилардан бўлдик. Ҳаммаси зўр бўлди, шунга ичимда хурсандчилик бор, ўзимдан-ўзим қониқиб, севи-ниб юрибман".

Жиззах туманида ўнлаб фермер хўжаликлари бор. Хўжаликларни мўътадиллаштиришдан сўнг кўпчилиги Фанибойга ўхшаган миришкорлар қўлига ўтган. Ҳаммаси ишнинг кўзини биладиган кишилар. "Агроном-мисиз" деб сўрайди ундан ҳам-роҳим, шоир Абдунаби Бойқў-зиев. "Йўқ, оддий дехқон бола-симан, лекин ҳамма юмушни бажариб-эллаб кетаверамиз", дейди Фанибой. Президентимизнинг "Бугунги кунда фермер нафақат дехқон, айна пайт-да ҳам агроном, ҳам иқтисод-чи, ҳам механизатор, ҳам таш-килотчи сифатида ўзлигини намойён этаётгани, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилу-вчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқётгани бизнинг бу соҳада ўз ол-димизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётгани-миздан далолат беради" деган сўзлари ёдга келади. Бу сўзлар ақиндагина, мамлакатимизда мисли кўрилмаган галла ҳосили олинган кунларда ўлка галлакорларига юбо-рилган табрик мактубида эътироф бўлиб янграган эди.

— Сугоришда, ўғитда, банда сира муаммо бўлмади, — дейди Фанибой.

Жиззах тумани сув тахлил худудлардан бири. Лекин сув тан-қислиги сезилмайди. Дала четла-рида ҳам ўт-ўлан барқ уриб яшнаб ётибди.

"Афсуски, биз кўпчилик кундалик юмушлар билан банд бўлиб, қўлга киритган натижаларимизга худдики ўз-ўзидан бўлган табиий бир ҳол деб қарашга ўрганиб қолганмиз. Аслида эса бундай ютуқларимиз замирида аввало дехқон ва фермер-ларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойили-



Бугунги Жиззах.

унга ҳада қиларкан, "Тошкентга қайт-гач, шу ҳақда шеър ёзаман" дейди тўққизлики. Тандир нонининг ёқимли иси кечгача димоғимиздан кетмайди.

Кеч кира бошлаганида кейинги манзилимиз — Дўстлик туманига етиб келамиз. Яна бир ораста шийпон, сув-лар сепилган, топ-тоза, шу ерда кеч қиради.

Шоиримиз яна шеър ўқийди. Ёшларнинг чакноқ, мусаффо нигоҳла-ри шу тунги осмондаги юдузалар каби чакнайди.

— Орангизда шеърга, адабиётга ҳаваслилар борми? — деб сўрайман.

— Бор, — дейди бири қизгина. Кейин дадилгина, тортинмай шеър ўқийди:

Бунчалар гўзалсан, суякли ҳаёт,  
Умримнинг мазмуни, орузмага қанот.  
Тўймайман, талпиниб бағригда юрсам,  
Чароғон офтобим ўзингсан, ҳаёт.  
Бахтиёр ёшлигим қувнар ҳар фурсат,  
Сен борки, яшайман мукаррам, ҳаёт.  
Сайёрам руҳсан, замин офтоби,  
Сен ила дийрим доним барҳаёт!

меҳнатининг самарасидир. Энг асо-сийси шундаки, ҳаммаси ўзимизни-ки. Мамлакатимизнинг улкан иқти-сод механизми ҳаял ўтмай бу ризқ-рўзни мактабларга, коллежларга, замонавий тураржойларга, халқи-мизни маънавий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган турли-ту-ман тадбирлар шаклида яна шу худуднинг ўзига ҳада этади. Тез ора-да куз ёмғирлари бошланади, шун-ча бойликни, шунча ризқни тезроқ тўплаб олиш керак, шуни ҳамма ҳис қилиб-сезиб турибди.

Тошкентга ярим кечаси кириб кел-ганимизда, Абдунаби ака қўлимга бир нарсаси тўтқади. "Олинг, хонадонин-гизга барака кирди", дейди қулиб. Очиб қарайман: Жиззахдаги терим-чи аёл тутқаган, ҳалиям ёқимли ис таратиб турган, сингиб пишган қип-қизил тандир нони. Ўзимизнинг номимиз!

Исажон СУЛТОН

Тошкент — Жиззах — Тошкент

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ ЮКСАЛИШДА

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва масъулияти янада ошди. Матбуот одам-ларни жамият ҳаётида юз бераётган янгила-нишларнинг фаол иштирокчисига айлан-тириш, истиқлол моҳиятини теран ан-лаш ва мустақиллигини сарчашмаларини эъзозлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш кўзгусига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил охири-да қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва по-лиграфия корхоналари, шунингдек, матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қўлай шароитлар яра-тишда алоҳида аҳамият касб этди. "Ўзэкспромказда" очилган "Ўзбекистон мат-буоти" II миллий форуми ҳамда кўргазмаси ҳам миллий матбуотимизнинг ўзига хос бай-рамларидан бирига айланди. Тадбир ишти-роқчилари эндиликда мамлакатимизда теле-радиоматбуотларни суъий йўлдош алоқа тармоғи орқали тарқатиш йўлга қўйилгани, бугунги кунда мамлакатимиз телекомму-никациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича

тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро канал-ларга эгаллиги, кейинги йил ўнда электрон ом-мавий ахборот воситалари сони эъти баро-барга ошгани каби соҳа тараққиётидан да-лолат берувчи кўпдан-кўп янгиликлардан ха-бардор бўлдилар.

Миллий форумнинг очилишида сўзга чиқ-қан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Жўра-боев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурла-штириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамохан тарзда ислох қилиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятлар яратишга доир масалалар юзасидан белгиланган аниқ вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

Матбуот ва сўз эркинлиги, қучли фуқаро-лик жамиятини шакллантиришда матбуотнинг ўрни, матбуотнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш маъруза ва муҳо-камалар мавзуга айланди. Кўргазмада омма-вий ахборот воситалари ва ахборот агентлик-лари, нашриётлар ўз махсулотлари ва хизмат-лари билан иштирок этмоқда. Тадбирлар доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

Бу сўзлар кўча-кўйда, оддий одамлар орасида тил-га олинганда жиддий эътибор бермасдир. Эҳтимол, "Ҳа, энди айтди-кўйди. Маъносини билишмайди-да", деб ўзимга таскин берган бўлардим. Ҳозир эса туппа-тузук зиёлилар даврасида ўтирибмиз. Суҳбат мавзуи ҳам шунга яраша: илм-фан, ижтимоий-мада-ний ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида сўз бормоқда эди. Аммо кутилмаганда гап айланиб бир "акахони-миз"га тақалди.

Қизиғи, унинг эришган обрў-эътибори, лавозими, молу дунё-си хусусида фикр билдираркан, кўпчилик "...уддалабдим, э-плабдим, қандини урсин", дей-ишди. Мен ҳайрон бўлдим. Ахир, бировнинг оқсидан тилгёла-малик қилиш нимага керак? Шу даврада ўтирганларнинг барча-си унинг қандай қинғир йўллар билан бу даражага етганидан, яхши хабардор-ку!

Баъзи одамларнинг табиати қизиқ-да, табиати қизиқ-да, йўлдан кетаётган эканман-да деб, номмаълум ишларини яна давом эттиради. Биз эса унга ху-шомад қилиб, давраларнинг тўрига ўтказамиз, ҳуллас, тегир-монига сув қуяверамиз. Иккин-чидан, бу иборани ноўрин қўллаш орқали атрофдаги одамларда нима қилиб бўлса ҳам ўзим бўлай, қай йўл билан бўлса ҳам ўзим қўлга киритай

ЙИГИТ ҲАМ СЎЗИДАН ҚАЙТАДИМИ?

қанча олқишласак, қўллаб-қув-ватласак шунча оз. Аммо ўша "эплаётган кимса" одамларга ҳам маънавий, ҳам моддий за-бар етказаятган бўлса-чи? Унда, биринчидан, ҳалиги шоввоз бу "этирофи"-мизни эшитиб, тўғри йўлдан кетаётган эканман-да деб, номмаълум ишларини яна давом эттиради. Биз эса унга ху-шомад қилиб, давраларнинг тўрига ўтказамиз, ҳуллас, тегир-монига сув қуяверамиз. Иккин-чидан, бу иборани ноўрин қўллаш орқали атрофдаги одамларда нима қилиб бўлса ҳам ўзим бўлай, қай йўл билан бўлса ҳам ўзим қўлга киритай

деган фикрни, билибми-бил-майми шакллантирамиз. Ёшларга нотўғри ўрнат қўрсат-маиш.

Буни қарангки, ўзини замо-навий санайдиган айрим "вал-ломатлар" "Йигит ҳам айтади, ҳам қайтади" деган иборани йўлаб топишибди. Аслида "Йи-гит айтдим, қайтмайди" ёки "Йигит айтмайди, айтдимми қай-

Фирромликни ўзига касб қилиб олган бир одамнинг қили-ғига гувоҳ бўлиб, "Бу нима де-ган гап?" десам, "Ҳаёт фирром-ликдан иборат, укам", дейди кўзларини лўқ қилиб.

Кўп йиллик ҳамкор корхона раҳбари ҳар гал олди-берди қилаётганимизда, хат кераклиги-ни айтади.

— Шартнома имзолаган бўлсак, яна қанақа хат керак. Бунча қозғозбозликни яхши кўрмасангизлар? — дейман ху-ноб бўлиб.

— Ака, керак пайтда қозғоз қут-қараёпти-да, одамни, — дейди у.

Ана шунақа, ҳам айтадиган, ҳам қайтадиганлар одамларнинг бир-бирига бўлган ишончини сўндиради. Натижада, одам одамга эмас, қозғозга ишонади, қозғозга таянади.

Хулоса шуки, мақолу ибора-ларни фақат тўғри маънода, ки-шиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш мақсади-да қўллаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, ҳеч қачон нопок йўл билан қандини уриб юрганлар ёки ҳам айтадиган, ҳам қайтадиган кимсалар "фалсафа-си" етакчи бўлмасин. Соғлом фикр, эзгу иш ва яхши одамлар доимо музаффар бўлсин!

Лазизжон БАХРАНОВ

# ИЖОД ҲАҚИҚАТИНИ АНГЛАМОҚ БАХТИ

**Жеймс Жойс (1882-1941) ижоди ҳақида сўз юритганда адибнинг шахси, таржimai ҳолини четлаб ўтиб бўлмайди. Чунки ҳаётда кечган воқеа-ҳодисалар бутун мураккаблиги билан унинг асарларига кўчиб ўтган. Унинг инсон сифатидаги ғоят мураккаб феъл-атвори америкалик шахмат устаси Роберт Фишерни ёдга солади. Жойс инсоннинг кундалик турмушдаги кечинмаларини бутун бошли адабиёт деб ҳисоблаганидек, Фишер ҳам ҳаётни шахматдан иборат деб билган.**

ли ва безавол гаройиб дунё барпо этди». Бу туйғуларни адиб ўз қалбида кечиргани тайин.

Санъаткор Жойс бевосита ижод жараёни, ижодкор борлигини илҳом чулған ва ижодий «тўлғоқ» тутган сирли онларни қойилмақом тарзда тасвирлайди: «Илҳом лаҳзалари энди бир йўла ҳамма ёқда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган сон-саноксиз ҳаёлий тасодифлардан кўриниш бераётгандай туюлади. Лаҳза худди ёғдуудай ярқ этади ва мана, тасодифий, ноаён шакл унинг нурли изини чулғаб олапти. Тасодифнинг бокира кучоғида Сўз етилаётди».

«Навқирон санъаткорнинг сийрати» романи бош қаҳрамони Стивен Англияга бўйсундирилган ирландларнинг миллий озодлик ҳаракатларида иштирок эттишдан бош тортади. Дўсти Девин миллатпарварлик тadbирларида қатнашишга ундаганида, Стивен тақлифни бир қадар тақабурлик билан рад этаркан, шундай дейди: «Бу мамлакатда инсон руҳига тугилаётгандай парвоз қилмаслиги учун тўр ташланади. Сен менга миллийлик, дин, тил ҳақида гапирасан. Мен бундай тўрлардан қочишга ҳаракат қиламан». Шунга қарамай, Жойс имкон қадар бу асарининг деярли ҳар саҳифасида йўлини топиб, таъбир жоиз бўлса, «қитмирлик билан» Ирландиянинг миллий озодлик учун курашган номини китобхонга эслатиб туради.

Шу тарихка, Жойс романида муайян давр қаламга олинган бўлса-да, унда Ирландия тарихидаги йирик ва муҳим воқеалар, ихтимой муносабатлар мавриди билан тилга олинади. Булар зоҳиран, йўл-йўлакай айтиб ўтилгандек кўринса-да, муаллифнинг уларни ўз асари маънаси синдиришга нечоғли эътибор берганини сезиш қийин эмас. Шу билан бирга, Жойс суҳбат, олоқча ва иккиозламчи сиёсий арбобларни, баъзан халқнинг лоқайд гуруҳларини нафрат билан фож этиди. Ҳикоялардан бирида у ўз миллатдошларини «маълум, аммо миннатдор ирландлар» таърифлайди. Бир неча сўз воситасида бу қадар ўткир киноя қилишга Жойс каби забардаст ёзувчиюгина ботинга олади.

Адиб ижодида Ирландия адабий қаҳрамон сифатида гавдаланади. Назаримизда, Ирландия жожеаси Жойс юрагидаги битмас жараҳат ва изтиробларнинг бош сабабчиси бўлган. Чунончи, қаҳрамони Стивен дўстларини ҳайратда қолдириб ўзини гўё Ирландия тақдирига қўл силтаётгандек кўрсатса-да, аслида унинг ўз Ватани ҳақида қайғуси уни ватанпарварлик ҳиссидан маҳрумликда айланган дўстлариникидан чуқурроқдир. Фикру зикри лавозимда ер-мулкларини эгаллашда бўлган ирланд эодонлари ҳақида қаҳрамон ҳаёлидан шундай аламли ўйлар кечади: «Уларни гафлатдан уйғотишнинг иложи бормикан, қандай қилиб уларнинг фарзандларидан ўзларига ўхшаган ожиз, нотавон бўлмаган авлод еттишадими?»

Ўз шахсий муаммоларидан қутула олманг, қолаверса, инглиз ва ирланд зиддиятларини ҳал этиш йўлларини тополманг Стивен охири-охираб Ирландиядан кетишга қарор қилади. Аммо бунинг ёлғиз ўз тинчи ва ҳаловатини ўйлаш, деб бўлмайди. Чунки Стивен асло бундай одамлар тоифасидан эмас. Зотан, унинг улғу мақсади бор. Қаҳрамоннинг асар якунида берилган қундалигида шундай сатрларни ўқиймиз: «Мен сафарга отланганман, ижод ҳақиқатини қайта-қайта англаб етмоқ ва қалбим олови билан халқимнинг тенгсиз, бетакорор ақли иродасини намоён этмоққа жазм этиб йўлга чиқмоқдам».

Бу сўзлар Жойснинг ўзига тааллуқли десақ, хато қилмаймиз. Зотан, ўз аҳду паймонини шараф билан адо этиб, ирланд миллий адабиётини жаҳон адабиётининг осмонлар чуққиларидан бирига айлантирган адибнинг 37 йил мусофирликда кечган ҳаёти давомида яратган асарларининг деярли барчаси Ирландия мавзусига бағишланган. Жойс биткилари Ирландия пойтахти Дублин шахрининг адабий қомуси сифатида эътибор этилади. Жойс прозаси — интеллектуал проза. Шу сабабли, мутлоаа китобхоннинг билими ва тайёргарлик даражасига қараб, турлича кечмоқчи табиий ҳолдир. Хуллас, Жойс ижоди билан танишиш, унинг интеллектуал романларини ўқиш ўзбек китобхонига ҳам насиб этди. Бу ўринда моҳир таржумонлар Иброҳим Ғафуров ва Аҳмад Отабойнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Жеймс Жойс романларининг соҳил кучини янада чуқурроқ англамоқ учун эса, адиб маҳорати кирраларини очиб беришга тадқиқотлар яратиш биз адабиётшунослар олдида турган муҳим вазифалардан.

**Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор



Жеймс Жойс

### Жаҳон адабиёти таърихлари

Жойс бу романида ҳаёт, санъат, миллат, дин ва ҳоказолар ҳақида ўз ақлига, қузатуларига таянибгина бир хулосага келишни истайдиган қайсар ўсмир феъл-атворининг шаклланишини кўрсатади. Эийррак, ҳасос ва нозиктаб Стивен иезуитлар орденига қарашли Клонгоуз коллежи ўқувчиси (Жойснинг диний коллежда таълим олганини эслайдик). Отасининг: «Зинҳор ўртоқларинг устидан қачимчилик қилма», деган насиҳати унга маъқул туюлади ва бунга оғишмай амал қилади. Стивеннинг кўнглида ижодга, бадий адабиётга эътиқоди ҳали тўла англамаган ҳолда бўлса-да, Жойс қаҳрамони қалбида санъатга муҳаббат уйғониши жараёнини ортиқча тафсилотларсиз, моҳирона тасвирлайди.

Қаҳрамоннинг келажақ ҳаёт йўли, яъни қасб-кор танлаш эпизоди унинг ҳаётдаги муҳим воқеалардан бирига айланади. Табиийки, ёшликда орзулар бисёр бўлади. Лекин улар орасида қалбнинг ҳаққоний даъватига мос келадигани қайси бири? Бунинг аниқ ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Стивеннинг пинҳоний орзуси эса, руҳоний бўлиши эди. Тақдир унга қўлиб бодди, яъни ўқитқандан манмун бўлган Белведер коллежи ректори унга диний унвонни тақлиф этади. Бироқ ҳал қилувчи дақиқаларда ўсмир юрагида галаён кўтарилган. Бир оғир «Ха» деса, орзу қилган юксак унвонга бемалол эришиш мумкин бўлган Стивен қутулмаганда «Йўқ» жавобини беради. Жойс бу ғалати вазиятнинг сабабларига ортиқча тўхталиб ўтирмайди. Китобхон Стивен қалбида кечган инқилоб сабабини ўзи англаб етишга уринаркан, беихтиёр ижод жараёнига ўзининг киришиб кетганини сезмай қолади: ўсмир кўнгли қаҳрида ардоқлаб келаётгани, ҳеч қимга айтмасда-да, барча нарсадан устун қўйгани — санъат ва ижодга муҳаббати, ўзининг шу йўлдан боришини энг ширин қисмат деб билгани учун у ректор тақлифидан воз кечганимкан? Кейинги саҳифаларда бу саволга ижобий жавоб мавжуд: «Хал Ха! Ҳа. Худди ўша буюқ уста (афсонавий Дедал — М.Х.) каби, исми-ни ўзи олиб юрган улғу санъаткорга ўхшаб, у юрагининг озод туйғуларини ва куч-қувватидан гурур билан буткул янги дунё яратди — ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, жонли, гўзал, ҳайратланар-




«Улисс» романи

нан «қайта қуриш» даврининг характерли учрғи. Унга ёзувчи бежиз Далер деб от қўйган эмас. Оти фамилиясига уйкаш; Далер — бир чеккаси шижоат, аммо қайсар, оми ва кўрқоқ шижоат. Унинг бутун ботирлиги, далерлиги одамларни алдашга, қаллоблик қилишга, мансаб орттиришга, бузқиликка қараган. Ботир Далеров ёхуд Далер Ботиров — сира фарқи йўқ. Утган асрнинг саксонинчи йилларини ва айниқса унинг охириги йилларини яхши эслайдиган кишилар Далерларнинг неча-неча прототипларини яхши би-

### Китобингизни ўқидим

ладилар. Улар бу ерларни булғадилар ва бу ерлардан қочдилар. Далер булғаб қочининг асил намоёнчаси! Хориқда Далернинг пуфаги дарҳол ёрилиб кетди. У шунчалар пучлиги ва иродасизлигини кўрсатди. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фаргона тонг отгунча» романи қаҳрамони бир ўринда мингбошига ҳиддатланган қўлар билан қаради, дейилади. Ҳиддатланиш — Ғулмонжоннинг мингбошига қарши туриши ва унда пайдо бўлган янги ирода кучини билдиради. Ҳиддатланиш ўта зиддиятчи табиат ва феъл-атворга эга қаҳрамонларнинг характери ва ҳаракатини бошқаради. Ҳиддатланиш одамнинг жазмида номаълум бир куч-шидат, ботирликнинг пайдо бўлиши. Ҳабиб Темиров ҳам романда зиддиятчи қаҳрамонлар ва зиддиятчи вазиятлар ҳақида бир қарашда соддафахмлик билан, маълум-машҳур сўзлар, таърифлар, тасвир, баёнлар билан ҳикоя қиларкан, шу ҳиддатланишга ургў қўяди. Бу назаримда бойлиқни ҳаром-ҳарис, жиний йўллар билан топиш ва орттириш, бошқарилган шантаж қилиш, фоҳишалик ҳиддати. Роман воқеалари, коллизиялари, характерларнинг очилиб боришида бу монстр-ҳиддат жуда катта роль ўйнайди. Далер ҳиддатнинг характерли бир жиҳатини боя айтган эдик: Далер саводсиз, аммо барча замонавий саводсизлар каби ўта қайсар. У ҳамкасб-бининг мақоласини ўқиб унга депутат сифатида дашном беради: сиз «америкалик фермер», деб ёзиб катта хатога йўл қўйибсиз. Бу нотўғри. Тўғриси: «америкалик фермер», деб ёзиш керак. Чунки Америкада фирмалар кўп. Фирмада ишлайдиган одам фермер бўлади. Унга ҳамкасби Нурбек: «Сиз исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатларга ҳам қарши чикасиз. Сиз нимгадир қарши чикамасангиз, яшай олмайсиз», деб дақки беради. Далер эса ҳамон бўш келмайди ва: «керак бўлса ҳақиқатни тирноқ орасидан ҳам излаб топаман», дейди. Бу аини тўғри гап. Далернинг ҳақиқатлари, охири маълум бўладикки, ҳаммаси тирноқ тағдир топиладиган зийнок кирлар. Далернинг қўйиб юборган хотини унга асл бахосини берган: «Сиз майда одамсиз». Мана шу майда муттаҳам, қаллобнинг майдалиги фож бўлгунча жамият неча бор айланади, неча бор ўзарди.



«Улисс» романи

«Улисс» романида мутлоаага берилган, ўқиганлари ёдида муҳрланиб қолган турма қобилиятга эга санъаткор кейинчалик бу захирадан асарларида беармон фойдаланган. Унинг романларида келтирилган тўғридан-тўғри иқтибослар, ирландча, инглизча, французча, италияча, немисча, испанча ва бошқа тиллардаги матнлар шундан далолат беради. Адиб воқеа-ҳодисаларни, хатти-ҳаракатларни батафсил тасвирламайди, балки улар таъсирида қаҳрамонлари ботинда туғилган, ўй-ҳаёлида кечган фикр-мулоҳазаларни онг оқими услубида табиий баён этади. Ажабланарли томони шундаки, қаҳрамон кўнглида туғила бошлаган, лекин ҳали фикрга, таъбир жоиз бўлса, кечинмага айланб улгурмаган, шуорга етиб келмаган сезимларни, улар таъсирида туғилаётган ҳис-туйғуларни сўзларга айлантира олган. Жойс асарларини тушунишнинг қийинлиги, асарият ҳолларда гап нима ҳақида бораётганини англаб етиш мушкуллигининг сабаби шундадир.

«Улисс» романи қаҳрамонларидан бири: «Мен фақат фикрлар ва сезганларимнигина эслаб қолман», дейди. Бу эътифр Жойс асарларини мутлоаа қилаётган ўқувчиларга ўзига хос йўриқномадек янграйди. Албатта, бу каби ишоралар адиб асарларини тўла тушуниб ўқиш, эркин «ҳазм қилиш» учун қаболат бермайди. Нафсиламбр, Европанинг адабий, тарихий, жуғрофий ҳамда фалсафа ва санъатга оид маълумотлардан, тушунчалардан хабардорлик Жойс асарлари мазмун-моҳиятини тўлароқ тушунишга имкон яратади. Мисол учун, Жойс болалигида мусика илмини нуқур эгаллаган. Бунинг натижаси ижодида акс этган. Хусусан, «Улисс» романининг айрим саҳифалари немис бастакори Рихарт Вагнер симфонияларига ҳамоханг.

Дарвоқе, «Улисс» романининг илк саҳифаларидаги денгиз образи мажозий маънода эга. Асар қаҳрамони Бак Маллиган соқолини қиртишлаётган Стивен Дедалус билан гурунглашаркан, беихтиёр Дублин кўрғазига ниғоҳ ташлайди. Муаллиф бу манзара тасвирини шу билан яқунламайди, балки мазмунни чуқурлаштиради: Бак Маллиган кўрғазига бир ниғоҳ ташлайди-ю, «Элиҳ ҳақ: у денгизни бўз меҳрибон ома деган... Уммон! Уммон! Бизнинг улғу меҳрибон онамиз!», дея инглиз шоири Элжеррон Суинбернинг бир мисрасини ёдга солади. Шимолликларга хос тарзда денгизни онага менгазди. Бошқа бир ўринда «Океан кўнжа падар», деган ибора келади. Адиб шу тарзда манзара, ҳолат, тимсол ва асоциациялар орқали фикр занжирини асосий мақсадга боғлайди, мазмунни теранлаштиради. «Ҳоламнинг гапига қараганда, сен онангин адои тамоом қилибсан», дея Маллиган Дедалусга таъна қилади. «Нахотки, жон таслим қилаётган онанг айтси ҳам, тиз қўйиб илтижо қилмадинг?». Аини шу нуқтада ҳам Жойс ва унинг қаҳрамони Дедалус тақдирларидаги уйғун жиҳатлар аён кўринади.

Дедалуснинг бу алами, аслида, Жойснинг шахсий олимни эди. У Ирландиядан бош олиб кетган, Улим тўшагида ётган онаси билан видолашиш учунги-на Дублинга қайтди. Мушфих она зор қашша, диний эътиқоддан шаккоқларча юз ўтирган тўғниқ ўғлига илтижо билан тавба тазарру қилишини сўрайди. Жеймс она илтижосини бажо келтирмайди. Қизиги шундаки, Жойс ўзининг ҳаёт ақидаидан кейинчалик ҳам кечмайди. Бироқ онаси олдидаги гуноҳкорлик туйғусидан доимо руҳан азоб чекади. Ана шу армон «Улисс» романи-

Иброҳим ҒАФУРОВ

«Янги номлар» руқни остида Наталья Крофтс ва Сергей Сутулов-Катеринич шеърлари, Даниэль Васильевнинг «Эртани» номли кассаси билан танишасиз. Адабиётшунос А.Давшаннинг «Ўзбекистондаги замонавий адабий жараёнда диалог маданияти», И.Родинанинг «Замонавий рус ва ўзбек адабиётларида «диний» тематиканинг маънавий-маданий асослари» ҳамда О.Григорьеванин шoir Николай Ильин шеърлари таҳлилга бағишланган мақола-лариди адабий жараёнинг долзарб масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, журналнинг ушбу сониди Р.Назаровнинг XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Самарқанд газети ва нашри ва нашриётчилик ишлари мавзусидаги, И.Роговнинг «Октябрь — туманли ой» мақолалари эълон қилинган.

### «Кутмаган кунларим, кутган кунларим»

Истеъдодли ёш шоир Бехзод Фазлидиннинг «Академнашр» нашриётида чоп этилган китоби «Дунё эски, ташвишлар эски...», «Илдизларим!», «Бир оз шошманг, Вақт жаноблари!» сингари тўққизта туркумга ажратилган шеърлардан таркиб топган. Тўпламдаги шеърларда ҳаёт фалсафасини ўқиб, умр сўқмоқлариди минг бир ўй-ҳавёллар оғушида ўз йўли-йўриғига интилаётган ёш замондошимизнинг кўнгли розини ўқиймиз. Қалбида орзулари барқ уриб унаётган, умиднинг жарангдор кўнғирқорларидан юраги ҳапқираётган — ёшликка хос суурли онлардан масрур ижодкорнинг «Уйғо-ниш» шеъридаги ушбу мисралари унинг айтган сўзи чинлиги, кўнғил кечинмалари табиий ва

### Доимий ҳамроҳ

ифодаси самимийлиги ва ишонтиради: Юрагимда орзулар унар, Умид тинмай қилар кўнғироқ, Борган сари кўзларим тинар — Борган сари Кўёш яқинроқ... Бу дунё қанчалар кўнжа бўлма-син ҳар бир ёш соҳир қалб соҳибини янғидан кашф этади — унинг турли-туман жилваларини ўзи топган ташбеҳу тимсолларда жиллантиради. Б.Фазлидиннинг ушбу тўпламидаги «Ниғоҳлари маънос мажнунот, Чинорларнинг хўрсинишлари» сингари жоиз мисралар шеърлар дунёни англаш, тушуниш, унинг турфа хислатларини кўркам ифода-лашга интилишининг самарали натижаларидир.

«Кутмаган кунларим, кутган кунларим» тўпламига Маҳмуд Саъдий муҳаррирлик қилган.

Иброҳим ҒАФУРОВ

### «Звезда Востока»

2012 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сонидида поэзияга бағишланган саҳифаларда Баҳодир Аҳмедов, Вадим Муратханов ва Елена Пагиеванинг туркум шеърлари берилган. Наср илҳосмандлари Ариадна Васильеванин «Кузги қўшлар вақти» романининг давомини ҳамда Яна Темизнинг «Дард» ва Игор Эрстнинг «Сеннинг рейсинг» ҳикояларини ўқийдилар.

### Журналларни варақлаганда

Шоирлар Муҳаммад Абдусаматов ва Мунавваранин шеърлари Р.Фарҳодий ва Н.Ильин таржималарида берилган. Шунингдек, Улугбек Ҳамдамнинг «Елғизлик» номли кассаси (З.Қосимов ва О.Григорьев таржимаси) ҳамда Шодмон Отабекнинг бир ҳикояси (Л.Рабинович таржимаси) ҳам журналнинг ушбу сонидида босилган.

Вақт жуда қимматли эканлигини тушулмаган одам йўқ. Ҳақиқатан, вақт жуда бебаҳо. Айниқса, ёш ўтган сайин унинг қиммати ва аҳамияти ҳар сония сайин билади. Тўғрироғи, ўзини кескин билдириб туради. Шунинг учун умрин китоб устида ўтса ҳам, саргузашт-детектив романларни камроқ, саралаброқ ўқийман, ўзимча мулоҳаза юритаман. Саргузашт бўлади-ку, детектив бўлади-ку мулоҳаза бўлмайди! Аммо кўнглимда саргузашт бўлса, детектив бўлса ҳамон Эдгар По детективларидай, жилла курса, «Минг бир кеча» саргузаштларидай бўлсин, деб ёзгирман. Ҳозиргилари аксаран компютерларда, кино устига кино қўриб, мутаассир бўлиб илмий материал асосида ясалган, қурилгандай, бир хил конструкциялар...

Балки мен адашарман: аммо менга энди Достоевский, Толстой ва ҳатто Прустинг узоқ сулиши тасвирларни кўпроқ ёқди, юрагим уларнинг сатрлари аро ҳеч тўсиққа учрамай худди қозғондан ясалган қайқчадай тебрана-тебрана оқди... Ҳиксанг, яна вақт кетганга яраша Сартрни ўқисанг, Жойсини ўқисанг, Чўлпонни ўқисанг... Аммо барибир ўқишда ҳар бир ёшининг ўз фалсафаси, ўз талаби, ўз

## БИР ҲУРИДИҚО САРГУЗАШТИ

### Ёхуд детектив коллизиялари


дастури ва, айниқса, ўз ёқтириш-ёқтирмасликлари бор. Буни асло инкор этиб бўлмайди. Бу мақола ёзилмас эди ҳам балки. Лекин анча таърибкор адиб ва журналист Ҳабиб Темировнинг асарлари, айниқса, кейинги йилларда ўқувчилар қўлидан тўлаётгани йўқ. У жуда фаол ижодкорлигини тўла исботлади ва охириги ўн йил орасида ёзган касса, роман, ҳикоялари билан тилга тушди. У ўзбек адабиёти детектив саргузашт асарларини шиддат билан яратаётган, асарлари ўз ўқувчисига эга бўлган ва ҳатто, айтиш мумкинки, ўз хос ўқувчисини яратаётган Тохир Малик, Маҳкам Маҳмудов, Эркин Усмонов, Озод Мўмин, Нодир Нормат, Алишер Ибодинов, Зулфия Қуролбой қизи, Абдуқайом Йўлдош, Шойим Бўта, Нуриддин Исмоилов, Саломат Вафо сингари элди таниқли ёзувчилар қаторига кирди.

Шундай ажойиб адабий ҳодисалар маъжудлигига қарамай бу мақола ёзилмасди — бир сезиларли, туртки бўлмасди... Яъни Ҳабиб Темировнинг янги «Генералнинг беваси» номли детектив-саргузашт ва психологик романи («Янги аср авлоди», 2012) бугунги адабиёт ва ўқувчилар давраларида ўқилляпти, у ўқувчиларни баҳсага тортияпти, рангбаранг фикрлар уйғотяпти, ҳатто Ҳабиб Темиров эротик ёзувчи дейдиган маъруф ўқувчилар ҳам пайдо бўлди. Бу адабиёт даврасида маънавияти юксак ва улғу ҳурматга сазовор дўстимиз: «Ўзингиз айтинг, беш марта эрга теккани билан мақтанадиган ва олтинчисини севиб қолган, майли, нақадар бўлмасин гўзал ва фусункор аёлни катта бир асарининг марказига ижобий қаҳрамон сифатида қўйиб бўладими?» Ҳозирги замон ўқувчиси ундан қандай инсоний ибрат олиши керак? Мен тушунолмайман. Сира тушунолмайман. «Кутлуг қон», «Утмишдан эртаклар»ни ўқисам, роҳатланаман. Аммо бу... адабиётга нима бўляпти ўзи? Сиз танқидчилар нега ёзмай қўйдингизлар ўзи?», деб ёзгириб қолди. Мен бу суҳбатга романини қарийб ўқиб бўлган — охириги уч-тўрт бобини ўқийман ёзининг қаттиқ иссиқларига тўғри келган эди. Мен дарров бориб қолган бобларни бир кечада ўқиб тугатдим.

Ҳаёлим «қайта қуриш» деб аталган даврга — ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охириларига кетди. Даврининг ғоят шиддатли ва бениҳоя кескин ўзгаришлари, пўртана, долгалар, қурашлар, ер юзи харитасининг ўзгаришлари кўз ўнгимда жонланди. Ҳабиб ҳам янги «Генералнинг беваси» романида худди мана шу йиллар воқеаларини қаламга олган.

Менга бу воқеалар таниш туюлди. Эсимдан чиққан одамлар, тилар, коллизиялар, одамларни ҳайратга солган драматизм экинлари ёдимга тушди. Воқеалар ҳам, уларнинг ўпқонидаги одамлар ҳам

ҳаётий ва ҳаққоний эди. Мен бу ерда қасрларда яшаётган асар қаҳрамонларининг аслида ўрада яшаётгандек эканликларини, пул, бойлик, давлат, мансаб ва булар орқали обрў-эътибор орттириш йўлида ҳар қандай разилликдан, фахш ўйинларидан қайтмайдиган ўтакетган тўттибозларни кўрдим. Уларнинг титмоси Мопассаннинг Жорж Дюруасига менгазиб кетадиган (қарангки, бу ҳам замоннинг



«Улисс» романи

алғов-далғовида юзага чиққан ва анча ўйинлар кўрсатган журналист йигит!) Далер Ботиров ва ўта зиддиятчи, урқуч мисоли, гўзал хурилик Мушфика. У жуда бадавлат, катта обрў-эътиборга эга одамларга тақдир тақозоси билан турмушга қиққан ёки бирга яшагандан сўнг Мушфика эмас, Мушфикахонимга айланади. Мушфика ёки Мушфикахонимнинг шу гўзаллигида бешинчи эрга текканидан нафратланиб бўладими? Мен маънавияти дўстимнинг юқорида келтирилган гапларини ўйлайман. Балки у ростданам ҳақдир: тақдир қўлида бешта эрга тегиб, олтинчисида оиламдан эркин севиб қолиб, севиб гирифторлигига учраб ҳаёти ҳам, ҳаёли ҳам, кечинмалари ҳам ўта чувилашиб кетган аёлни ижобий деб талқин этиш мумкинми? Бу саволга узи-қоғил жавоб бериш осон эмас. Балки уни ҳақиқатан асло ижобий қаҳрамон деб бўлмас! Эҳтимол уни ўта зиддиятчи қаҳрамон деб аташ жоиздир. У ҳар бир эрининг уйини беэади, уларга яхши хотин бўлди, барча истак-хоҳишларини қондирди. Ўз аёллик маснадини яхши ва теран англади. Қизик бир гапки, унинг ўзи эмас, балки тўла ва тамомила хусни — бетакорор гўзаллиги тақдир ўйинларида ўйинчи бўлди. Охирида оилали эркинлик қаттиқ севиб унга гирифтор бўлиб қолиши ҳам оқила аёлни балки ҳеч бир жиҳатдан оқламаз. Унинг бойлик, давлат, хайлу хашам, осон, кам-кўстисиз яшаш йўлидаги ўта иродасизлигини ҳам сира оқлаб бўлмайди. Юксак маънавияти долмаиз ҳаққа ўхшайдилар! Аммо бунинг қарангки, гирифтор севиб Мушфика ўзгариштиради, у кўз ўнгимизда бошқача одамга айлана боради, кўз ўнгимизда у яшириниб ётган табиий инсоний салоҳиятлари, фидокорликлари, чин нафосатини ўзи бирин-бирин кашф этиб боради. У тиричилик-тирмашиб ўқийди, олимпиа, муаллима, мураббияга айланади. Унда очилмай ётган — нима десак экан — кучли ҳиддат юзага чиқади! Ана шу катта ҳиддатнинг намоён бўлиши унинг чинакам инсоний ютуғи ва яхшиликка ўзгарган одамни яхши дейишга изн беради. Мушфика вазият тақозоси билан бойлиқнинг ўйинчоғига айланган бўлса, яна вазиятнинг тақозоси билан ўзини қўлга олди, ўзидаги соддаликни маълум даражада енгди ва жамиятга фойдаси тегадиган инсонга айланади.

Бу романинг катта-кичик персонажларини зиддиятлар ичиди ашайдиган ва атрофида ҳам зиддиятчи шaroитларни вужудга келтирадиган одамлар деб тушуниш мумкин. Романининг бошқа бир қаҳрамони Далер Ботиров ҳам айнан зиддиятлар ва ай-

**«ЗВЕЗДА ВОСТОКА»**  
2012 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сонидида поэзияга бағишланган саҳифаларда Баҳодир Аҳмедов, Вадим Муратханов ва Елена Пагиеванинг туркум шеърлари берилган. Наср илҳосмандлари Ариадна Васильеванин «Кузги қўшлар вақти» романининг давомини ҳамда Яна Темизнинг «Дард» ва Игор Эрстнинг «Сеннинг рейсинг» ҳикояларини ўқийдилар.

Шоирлар Муҳаммад Абдусаматов ва Мунавваранин шеърлари Р.Фарҳодий ва Н.Ильин таржималарида берилган. Шунингдек, Улугбек Ҳамдамнинг «Елғизлик» номли кассаси (З.Қосимов ва О.Григорьев таржимаси) ҳамда Шодмон Отабекнинг бир ҳикояси (Л.Рабинович таржимаси) ҳам журналнинг ушбу сонидида босилган.

**«Кутмаган кунларим, кутган кунларим»**

Истеъдодли ёш шоир Бехзод Фазлидиннинг «Академнашр» нашриётида чоп этилган китоби «Дунё эски, ташвишлар эски...», «Илдизларим!», «Бир оз шошманг, Вақт жаноблари!» сингари тўққизта туркумга ажратилган шеърлардан таркиб топган. Тўпламдаги шеърларда ҳаёт фалсафасини ўқиб, умр сўқмоқлариди минг бир ўй-ҳавёллар оғушида ўз йўли-йўриғига интилаётган ёш замондошимизнинг кўнгли розини ўқиймиз. Қалбида орзулари барқ

Хосият РУСТАМОВА

## ДАРАХТЛАРНИНГ ОЧИЛАР БАХТИ



Шамол аччиқлаиб гох,  
Тескари бурар юзин.  
Қарайди бошдан-оёқ —  
Кўзи сузилган узум.  
Кўлмакларда қуш ини,  
Хазон-ла ётар чириб.  
Куз ўтади кўксини —  
Пуч ёнгоққа тўлдириб.

Қийналса ҳам асло чўкмас тиз,  
Эртаю кеч турар тиша-тик.  
Йўлакларда қолдириб из-пиз,  
Бирорта қуш қоқмайди эшик.  
Кўкрагини ўтмайди кериб,  
Шамолларнинг йўқ каби вақти.  
Яхшиямки, баҳорга келиб —  
Дарахтларнинг очилар бахти.

Бир ҳамла қилсам бас —  
Оламан кўкни,  
Ҳали қувватини Худо олмаган.  
Ернинг остида ҳам бирор жой йўқки —  
Менинг идилларим кириб бормаган.

Иўл бошида турган кекса тол,  
Бу дунёга этагин қоқти.  
Раҳми келиб эркалар шамол —  
Даладаги ҳар туп бошоқни.  
Катор бўлиб саккиз-ун арча,  
Бекинмачоқ ўйнаб турган чоқ  
Бош кўтарар идилзигача —  
Кўй-қўзи еб битирган ўтлоқ...

### БАҲОР

Сал илиқлик ўтиб танига,  
Кўёш каби кўтариб кўксин.  
Елка тутиб бир-бирларига  
Токлар кўкка буй чўзар секин.

Худоданми — Фалақдан,  
Совутиб кўйди юзин.  
Эритолмай ҳалакман —  
Юрагимдаги музини.  
Турбман шимариб енг,  
Ўтин терилган. Иўл берк.  
Авайлайман сени мен —  
Сўнгги гугурт чўпидек...

Иўлга қатор тизилди толлар,  
Ниҳолларнинг олдини тўсиб.  
Ўтиб кетди ўтгичи чоллар —  
Дарахтларнинг йўлини кесиб.

Машинанинг орқа ўриндиғида  
Бетартиб хонадай ҳаёлим уйқаш.  
Ойнага қадалган кўзим йиғида —  
Юракни ўртайди аллақандай рашк.  
Худого боряман ўзимни ортиб,  
Бунча ҳам гўзалсан ям-яшил чироқ!  
Менинг диққатимни ўзига тортиб —  
Ҳайдовчи кўзгудан ташлайди нигоҳ.  
О, шу пайт  
Кимлардир қулди — кино!  
Қарадим,  
Йўларни супура фаррош.  
Қизил чироқларга қилмас риоя  
Менинг кўзларимдан оқаётган ёш.

Айт, мени қайси бир йўлга бошладинг,  
Биздан бу ҳаётни кимлар кўчирган?  
Азизим, биламан, оппоқ сочларинг —  
Қора қунларимни бошдан кечирган.

Қанча чуқур ташламай одим,  
Оёқ тойиб борар ел каби.  
Кечаги гап — менинг ҳаётим,  
Шеърим эса бутуннинг гапи.

Ховлида озгина ўйлаиб турдинг,  
Сўнг кўкка термудинг — Юлдузлар шифоф!  
Кўлингга тамаки — ёнар гугуртинг,  
Нур тўла юзингдан ёришар атроф.  
О, ажиб манзара касб этар тегранг,  
Чекасан,  
Бепарво туришинг ўктам.  
Сезмайсан, кўзимга тўлдириб жуссанг —  
Ойнадан кузатиб турганимни ҳам.  
Аслида тамаки соғлиққа зарар,  
Шу боис мен уни қиладирман рад.  
Майли, чек! Чекишинг зарур бўлса гар,  
Азизим, гам-алам чекмагин фақат!


Ёз куйдириб юборди жонни,  
Уйдан чиқма, олади иссиқ.  
Тутиб кетди ҳамма томонни —  
Юрагимнинг куйинди иси.

Сен кетгандай...  
Бехосдан  
Хувиллаб қолди хонам,  
Ҳозир бошқача эди...  
Бирдан ўзгарди аҳвол.  
Сен ахир ўзинг менга  
Яқинсан ўзимдан ҳам —  
Бармоқларимни сиқиб  
Турган узугим мисол.

Ҳар тун қунларингнинг ёйман ювиб,  
Гуноҳдор бандайи оғилар симдор.  
Ҳеч кимса кўрмасдан қолсайди қуриб,  
Ҳеч кимса кўрмасдан кетсайди губор.  
Ҳар кун кузатиб қўйман тонгга,  
Мана, оппоқ кўйлак, дазмолланган кун.  
Азизим, хушёр бўл!  
Кир тегди жонга —  
Биласан, уйда ҳам қолмаган сову.

ҲУМОЮН

## ЭЙ ОНА ЕРИМНИНГ МЎЪЖАЗ ПАРЧАСИ



### ОЛТИН ВОДИЙ

Эй жаннат сингари мухташам макон,  
Тоғлар бағридаги эй боғи Эрам,  
Ҳузурингга елғум, топсам гар имкон,  
Кўмсарман, бағрингдан чиқсам бир қадам.

Бунда қарши олар миришкор деҳқон,  
Норин, Қораларё соҳилларида,  
Андижон боғлари, Қўқон, Намангон  
Сирдарёни суяр босиб бағрига.

Олтин узумзорлар, зийнатли боғлар  
Қошигда Ҳиндистон, Чин-Мочин надир.  
Беш аср муқаддам ошганда тоғлар  
Таърифинг берганлар Ҳазрати Бобур.

Менинг биттанларим не бўпти, ахир,  
Қуш каби учирсам боғларинг сари,  
Соғинч мактубимдай кафтига олур  
Олтин водий зура шабоддалари.

### БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Бағрингда не пинҳон, қандайин асрор?  
Балки гул уруғи, райҳон, долазор,  
Балки мужассамдир мухташам бир боғ,  
Кафтига олганим бир сиқим тупроқ.

Қалбинг кашф этгайдир фасли навбахор,  
Фақат баҳорларга айтасан икром,  
Майсалар найзадай кўтарилган чоқ —  
Дардинг аён бўлмай, бир сиқим тупроқ.

Ўзингсан — олтиндан, қумушдан ноёб,  
Сув ўргулса сендан, ўргулса офтоб,

Томир тортиб, ниҳол ёзгайдир япроқ,  
Сен чинор бўлмайсан — бир сиқим тупроқ.

Бунчалар хокисор тупроқ бўлмасанг,  
Савобинг жавоби шумикан, аттанг.  
Бошинга кўтардинг қасрларни, боқ,  
Қаср ҳам ўзингсан, бир сиқим тупроқ.

Эй она еримнинг мўъжаз парчаси,  
Сендан бунёд бўлмай ризқ-рўз, барчаси,  
Хирмонларинг йиғсанг, тоғдан улгуроқ,  
Сеҳрингдан ақлим дол, бир сиқим тупроқ.

Бағрингда оламнинг илдизи пинҳон,  
Бағрингда одамнинг илдизи пинҳон,  
Мангу тарихимсан, ҳам эртан порлоқ —  
Сирсан, табарруксан, бир сиқим тупроқ.

### ДУО

Ният дилда пинҳон, аён-ноаён  
Ўзгариб ҳам қолар баъзида аммо,  
Тошга ўйналгандай тилларда ҳамон  
Минг асрки сўзи ўзгармас дуо.

Оллоҳнинг муҳридай сидқидил дуо.  
Эзгу тилакларини этиб мужассам,  
Кўлларин очаркан бобо ё момо,  
Омин қилар экан фаришталар ҳам.

Қалбинга ишончинг уруғин сочар  
Рухнинг мададкори, йўлининг равоси,  
Барчасидан аёло йўлларинг очар  
Она дуосидир, она дуоси.

### УМР ЙЎЛИ

Бир лаҳза тин олсанг, ҳаёлдан ўтар:  
Ортда қолган балад-паст йўллар.  
Билмайсан, олдинда бутазор бу чоқ,  
Ўт-ўлавлар босиб, йўқоқлар сўқмоқ.

Бузиб кетишарми қадим кўприкни,  
Учратсанг доводда йўлдош — шерикни,  
Фарқлай билармисан яхши-ёмонга,  
Балки йўл бўлинар учта томонга.

Бир лаҳза ўйларсан, оларкан ором,  
Энди бу йўллардан ўтарман осон,  
Бу — умр йўлидир, келмайди тақдор,  
Дўстим, бу йўллардан ўтилар бир бор.

Шуқур ДАДАШ

## БУЛБУЛЛАРГА ОШИЁН...



Бўрон чайқатдию ул туп олмани,  
Пишганларин тўкди тупроққа дув-дув.  
Ажаб тўкилмади нега ёмон  
Ахир, унинг нафи ҳеч кимга йўқ-ку.

### ДИП ИЗҲОРИ

Шоирлар қадимдан ёрнинг юзини  
Ўхшатиб келишар энг гўзал гулга.  
Шу гулга маст бўлган ошиқ ўзини  
Қиёс этар экан куйчи булбулга.

Севгилим, жамолнинг нурли, беқиёс,  
Уни кам кўрмайман ҳеч қайси гулдан.  
Майли, гулга ўхша очилган қийғос,  
Гулдай тез сўлмагин, тилайман дилдан.

### ДАРАХТ

Баҳор чоғи чиқарса япроқ  
Куртак дея атар эдилар.  
Олуцадай гулласа оппоқ  
Бу ёшлиқнинг рамзи дедилар.

Ёз келганда қарқара бўлиб,  
Булбулларга бўлди ошиён.  
Кузда бағри ҳосилга тўлиб,  
Қувонтирди элини беармон.

### САВОЛ

Бир туп олма аини ёзнинг кечида,  
Ғарқ пишиди кўёшдан нур эмиб, тўйиб.  
Ёмон бор эди унинг ичида,  
Жимиб турар эди қовжироқ бўлиб.

### "ТОНГЛАР КЎШИҒИ"

"Мухаррир" нашриётида ёш ижодкор Гулноза Бобоеваннинг "Тонглар кўшиғи" номли шеърлар китоби нашр этилди. Ижодкор турли хил маънодош ва шаклдош сўзлар воситасида тонг тимсолини тасвирлайди. "Тонг жилмаяр гулчамбар бошда", "Шивирлайди охишта сабо", "Субҳидамнинг шабнамларидан баҳра олган бир ниҳол эдим", "Кўёшнинг нуридек меҳримни кўринг" каби сатрлардаги ташбеҳлар воситасида "тонг" тимсоли ўз маъносидан бошқа — шодлик, сеvgи, меҳр, бахтли ҳаёт, мунаввар орзулар каби маъноларни ҳам аңглатади.

Ватан, она, ёшлик ва муҳаббат мавзулари оҳорли ўхшатишлар ва истиоралар билан қаламга олинади.

О кишлоғим, кўчаларингдан  
Болалигим ҳидлари келар...  
сатрларини ўқиганимизда юракни болалик

Марям БҮРИХОНЗОДА

согинчи, Ватан меҳри чулғаб олади. Тупроқ кўчани чангитиб, ҳаммомпиш ўйнаб юрган болалик...

Шоира Ватанга бўлган меҳрини юртимиз табииатининг манзараларини ўз тилида тасвирлаш орқали изҳор этади. "Булуғлар меҳридан ёғилди маржон, Кўёшнинг юзида табассум бу он". Шу билан биргаликда Ватан меҳри она меҳри билан уйғунлашиб кетади: "Она, юзингизда бир хурни кўрдим, Қалбингизга боқиб меҳрни кўрдим. "Болам орзулари ушалсин" деган дуоларингизда сеҳрни кўрдим". Гулнозанинг сочмалари ҳам ташбеҳларга бой ва самимий. Мухаррир Ақром Деҳқон.

Барглар бандидан узилиб дарахтлар остига тўшалар, тонгда Боботоғ томонга учган қаргалар кун ботарда қайтарди. Уфқнинг қизармагани ортага совуқ бўлишидан дарақ. Шундай кунлар бошланажак дамларда бирор ишга қўл ургим келмас: ер ағдарсам кетмоннинг дастаси албатта синар, боғдан хурмо узсам сатилнинг балдоғи узилиб тушарди. Боиси шу йил университетга киролмай қайтганим. Қалбим тўла алам. Кеча иккита дераза ойнасини синдирдим, илгари кунги укаларимнинг тўпини ёрдим. Бугун эса ҳеч нима сингани, бирор нарса «қўлимдан тушиб кетгани» йўқ. Бирок...

Супа устида кечки овқат учун энам пиёз тўграб ўтирар, синглим ўчоқ бошида қозон тагига ўтин қаларди. Хонамга кириб, жавон эшигида осмиғиқ кўйлагимни кўрдим. Эрта-лаб қандай кўйган бўлсам, шундайча турибди. Ҳатто биров кўлини-да теккизмаган: ёқаси кир, гижим. Бугун кишлоқда тўй бор. Нима қияман энди?

Шарт ортга бурилдим. Эшиқдан чиқиб, супа ёнига келдим.

— Уйда совун туғаб қолган экан, болам! — Энам оғзимни очмасимдан фикримни аңлади.

— Дўкон беш қақирим эмас-ку! — Овозим баландлади. — Доим баҳонангиз тайёр. Хали унақа дейсиз, хали бунақа.

— Учоқ бошидаги синглим ўртага суқилди: — Ака, кулранг кўйлагингиз тоза-ку, ўшани кийсангиз бўлмайми?

— Сенга нима?  
Энам индамасдан пиёз тўғрашда давом этди. Иккала ёноғини бир-икки томчи ёш кесиб ўтди.  
«Пиёздан» — кўнглимдан ўтказдим.  
Кўзёшлар сабзи тўғраляётгандаям, картошка тўғраляётгандаям тўхтаман билмас, навбатма-навбат энамнинг ажин оралаган ёноқларидан думалаб тушарди. Энам бечора уни билаклари билан артиб қўярди.

«Эй, нодон! Нима қилиб қўйдинг?»  
Энамга яхшилаб разм солдим. Болалигимда жажжи бармоқларим билан сийпалайдиганларим — кулдиргичли ёноқларга ажин тушибди, қулиб турадиган кўзларидаги киприklar сийраклашган, пастроққа тушиб турган рўмоли остидаги ўша қоп-қора сочлар оқара бошлабди. Ҳа-ҳа, қирққа кирмасдан энамнинг сочига оқ, юзларига ажин тушибди.  
«Энам ... қариб қопти-я!»  
Нега шу пайтгача пайқамадим? Қачон рўй берди бу? Наҳотки энамнинг сочига тушган оқ толаларни энди кўраяман? Сочлари-ку рўмоли остида, лоқақал юзидаги ажинни-да сезмаман-а? Нега киприклари йўқ? Эҳтимол, тандир тафти куйдиргандир? Боз устига ранжитиб қўйганим — энажонимни йи-

латганим ортиқча бўлди.

Тўйга боролмадим. Боролмасдим ҳам. Университетга киролмаганим ҳақида бошқа ўйламасдим. Ўша аламлар ўрнини бошқаси эгаллади. Энди фақат ва фақат энам тўғрисида ўйлардим. Унинг ажинлари, бошидаги қировлари, қаергадир йўқолган киприклари ҳақида...

Хафа бўлса ҳар сафар дарров қулиб кетаверадиган энамнинг юзини ўша кеча маҳзун-

### Фозил ФАРҲОД

## МАКТУБ

лик тарк этмади. Туни билан чақмоқ қақиб чиқди. Эртасига кун бўйи ёғир ёғди. Энамда тақдор йиғлади. Йиғи кўзёш бўлиб ташқарига чиқмади. Йиғини ичига ютарди. Қалбининг туб-тубига жойларди. Буни у сездирмасликка уринса-да, кўзидаги ғамгинлик барини ошкор этарди.

Ҳаракатларим олдингисидан бошқача эди. Энди дераза ойнасиам, кетмон дастасиям синмас, укаларимнинг тўпини ёрилмас, сатилнинг балдоғим узилмас, лекин кунларим ўшандагиданда азобли-дардли ўтарди.

### Қатра

Қор бурунгидан кўп ёғди.  
Қор ёққанида доим қувонадиган кўзларим энди бутунлай айрича — ғамгин. Улар деразадан ташқарига тикилса, бош ҳужайраларим энди нима қилиш кераклиги тўғрисидаги ўй билан банд. Дераза ортида ҳаёт оппоқ бўлса-да, қалбимнинг ичкариси бунинг акси эди.  
Энам доимгидай урчуқ йиғириб ўтирса-да, барибир нимаси биландир ўзига ўхшамасди. Буни қўриб баттар азобланардим.

Киш бўйи айтарли хонамдан чиқмадим.  
«Бир оғиз «кечиринг» дея олмадинг-а! Шу сўзни айтиш сен учун шунчалар қийинми?»  
«Йўқ!»  
«Нега унда айтолмаёсан?»  
«...»  
«Ё гуруринг йўл бермаяптими?»  
«...»  
Урнимдан отилиб турдим-да, энам ўтирган хонага бордим. Печка олдида чой дамлаётган экан. Югуриб бориб кучиб олгим, «энажон, кечиринг!» дегим келаяпти. Бирок...  
«Нега унақа бўлаяпти?»  
«...»  
Мени тутиб қолаётган бу туйғу менга тамоман номаълум.  
«Нима бу? Қандай туйғу ўзи?»

Орқага қайтдим. Нотавонлигимнинг сабабини била олмай овора эдим. Оёқларим кўзлаган манзилга бошлаб борар, сўнгги нуқтага келганимда мия ҳужайраларимдан керакли сўзни тополмай қийналардим.  
«Бир оғиз сўз-ку!»

«...»  
«Агар эслаб қололмаётган бўлсанг бир бўлак қоғозга ёзиб ол!»

«Луғат бойлигимда бу сўзнинг бир нечта муқобили мавжуд. Унинг русчасиниям, немисчасиниям, инглизчасиниям биламан. Аммо...»

Киш охирлади.  
Уйимизга почтачи келди. Ҳарбий хизматга қақирув қоғози қолдирди. Хатни қўлимга тутқазиб кетган почтачини ўзгача нигоҳ билан кузатиб қолдим. У мени жудаям қувонтирди. Гўё кўнглимдаги ўша асир туйғуларни қафасдан озод этгандай.

Туман марказига бориб қўриқдан ўтдим.  
«Соғломман!»  
Вилоят марказига бориб қўриқдан ўтдим.  
«Соғломман!»  
Хурсандман. Энам мендан-да хурсанд. Ўғлим армияга кетаяпти, дея суюниб, ҳаммага мақтанар, менинг хафа қилганимни бутунлай унутиб юборганди. Энамни кузатиб, ушбунни аңгладим:  
«Менинг кўнглим эса ўша-ўша...»

Журъатимни тўсиб турган туйғулар қалбимни бутунлай тарк этмаган экан. Армияга жўнадим. Уйимдагилар, яқинларим мени тантана билан кузатди.  
Поездда кетаётган бўлажак сафдошларимнинг кўзлари қувончга, қалблари орзуларга тўла. Мен эса фақат энам тўғрисида ўйлардим.

Оппоқ сочлари, юзидаги ажинлари, қайларгадир йўқолган киприкларию мендан ранжигани... сира-сира кўз олдимдан кетмасди.

Илк бора энгимга ҳарбий либос кийдим. Илк бора шахдам қадамлар билан юра бошладим. Илк бора уйимга мактуб ёздим:  
«Онажон, мени кечиринг!»

Бошланиши биринчи саҳифада.

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театри Тоғай Мурод асари асосида "Ойдинда юрган одамлар" спектакли билан иштирок этди. Уни яна бир ёш режиссёр Н.Исмоилова саҳнага олиб чиққан. Ўзбек халқининг азалий анъаналари ва қадриятлари, муҳаббатга садоқатни тараннум этувчи ушбу асар саҳнада ўзгача руҳда ифодаланган. Актёрларнинг оппоқ либоси, саҳнада одатий декорациядан воз кечиб, лирик руҳиятни тараннум этувчи рамзий деталлардан фойдаланилгани воқеалар ён-атрофимиздан эмас, балки илоҳий маконда рўй бераётгандек тасаввур уйғотади. Бу эса асар гоёсининг қимматини янада оширган. Спектакл ижрочиларининг аксарияти ёшлар экани ҳам эътиборли.

Бухоро вилоят мусикали драма театри ёш режиссёр А.Ортиқов таълимида "Майсаранинги иши" (Ҳамза асари асосида) спектаклини тақдим этди. Режиссёр узоқ ўтмиш ҳаёти, ўша замондаги иллатлар кулги остига олинган ушбу пиеса замонавий янграши учун интиланган. Саҳнада анъанавий томоша санъати унсурларига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Актёрлар томошани билан бевосита мулоқотга киришади, шунингдек воқеа жойининг ортига жойлаштирилган оркестр ижрочилари ҳам актёрлар хатти-ҳаракатига ўз муносабатини билдиради. Буларнинг барчаси спектаклнинг томошавийлиги ортисида хизмат қилган.

Ўзбекистон Ёшлар театрининг ёш режиссёри К.Абдурахмонова саҳналаштирган "Алвон елканлар" (А.Грин асари асосида) спектаклининг ижрочилари ҳам ёшлардан иборат. Агар инсон муҳаббатга ва гўзал орзулар ушалишига ишонса, бир кун улур, албатта, рўёбга чиқиши ҳақидаги асар театр ёшлари томонидан янгича талқин этилади. Унда асардаги воқеалар билан параллел равишда бугунги кун ёшларининг ўй-халқлари, орзу-умидлари ақс эттирилган. Мана шу икки чизик бўйлаб ривожланган воқеалар спектакл сўнгида бир-бири билан боғланади. Асар мюзикл шаклида саҳналаштирилган.

Инсон умрини ҳалол яшаш ўтса, тангри марҳаматига сазовор бўлиши, абадият тарозисидан гуноҳ палласидан юқори туриши ҳақидаги ҳақиқат республика Ёш томошабинлар театрининг "Халоллик тилаб..." (Э.Хушвақтов асари) спектакли асосий гоёсини ташкил этади. Ёш режиссёр Ф.Мардонов ривоятларга асосланган асарни хатти-ҳаракат асосига қура олган. Ихчам декорация, ёрқин тасвирий ифода воситалари, актёрлар ижроси спектаклнинг қуруқ насихат бўлиб қолмай, томошавийлик касб этишига хизмат қилган.

М.Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри "Бобомнинг орзу-си" (муаллиф Х.Хурсандов) спектакли режиссёри А.Бердиев ҳам "дебют"чилардан. Спектаклда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган анъана, одат, расм-рўсулларимиз тараннум этилади. Муҳаббатнинг ёш танламаслиги ҳақидаги гоё фольклор-томоша шаклида саҳнага олиб чиқилган.

Умуман, ёшлар ижоди фестивал қатнашчилари ва меҳмонларининг диққат марказида бўлди. Лондоннинг Стратфорд Ист кироллик театри режиссёри Кэрри Майкл бу ҳақда шундай деди: "Истеъдодли, келажаги бор, ижоди ўзига хос ёш актёр ва актрисалар ижодини кузатиб, улар билан мулоқотда бўлар экансан, қалбингда илқ ва ёрқин хис-туйғулар пайдо бўлади. Тошкентда шундай қизиқарли фестивалда қатнашганимдан ва ажойиб инсонлар билан бир-

театрининг "Афандининг 5 хотини" (И.Содиқов) спектакллари ҳамда Ўзбекистоннинг бир қанча театрлари томошалари намойиш этилди.

Тақдим этилган спектакллар ҳақида театр ижодкорлари ва мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Омск театрининг "Ромео ва Жульетта" спектакли ҳақида гапирар экан, таниқли режиссёр Наби Абдурахмонов, жумладан, шундай деди: "Мазкур спектакл режиссёри Тошкентда ўқиган Ринат Бекташев эканидан жуда хурсанд бўлдим. Илгари билмагандим, шу сабабли бу мен учун қутилмаган совға бўлди. Спектакл ижодкорлари жуда яхши, самимий йигитлар. Очиғи, бугун баъзи спектакллар ҳаётнинг, инсон характерининг ёмон жihatларини очиб ташлашга интилиш сезилипти. Бу асарда эса самимиятни, тозаланишни, гўзалликни кўрдим".

Театр мухлислари ва мутахассисларда, театр санъати ходимларида маҳорат дарслари, ижодий уршувлар, қўшма лойиҳалар катта таассурот қолдирди. Буни Буюкбританиялик ижодкор Пол Харманнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди:

— Бундай фестивалларни ўтказиб туриш ниятда зарур. Ҳатто тез-тез ўтказиб туриш керак. Хамкасбларимиз ихросидан, ижодидан ўрганамиз, демек ривожланамиз. Масалан, менга Буюк Британия—Ўзбекистон—Тожикистон—Қирғизистон ижодкорларининг "Ипак тоналари" қўшма лойиҳасида ишлаш жуда ёқди. Ўзбекистон Ёшлар театри билан ҳамкорликни давом эттириш ниятим бор. Ёшлар билан ишлаш борасида қирқ йиллик таърибимдан келиб чиқиб айтманки, айнан шундай театрда таъриблар ўтказиш керак. Болалик ва ёшлик — эркин давр.

Дарҳақиқат, турли мактабга тааллуқли ижодкорларнинг ҳамкорлигида ишлашлари уларнинг ҳар бири учун ўзига хос таъриб алмашиш жараёни бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда нафақат турли мактаблар, балки турли маданиятлар ҳам ўзаро туташади. Халқаро фестивалларнинг аҳамияти ҳам шунда.

Умуман, "Theatre.UZ.2012" халқаро театрлар фестивали юртимиз театр санъати мутахассислари учун ҳорижий ҳамкасблар билан таъриб алмашиш, чет элларда ўз бераётган шу соҳадаги ўзгаришлар, ривожланиш жараёни билан яқиндан танишиш билан бирга, мустақил Ўзбекистон театр санъати соҳасидаги ютуқлар ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлари халқаро миқёсда тарғиб қилишимиз учун катта имконият яратди. Шунингдек, республикамиз театрларида авлодлар алмашинуви юз бераётгани, театр санъати тараққиёти бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини кўрсатаётгани яққол намоён бўлди.

Анвар ИСМОИЛОВ

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ



га бўлганимдан жуда хурсандман". Ўз ўрнида ёш актриса ва режиссёр Камилла Абдурахмонова Кэрри Майкнинг маҳорат дарси унга яхши сабоқ бўлганини таъкидлади: "Ёш ижодкор сифатида иш жараёни яна бир қизиқарли услуб билан бойиганидан хурсандман. Театр билан яшаб, саҳна билан нафас олади бундай санъаткорлар билими ва таърибасидан баҳраманд бўлиш менга завқ ва илҳом бағишлайди".

Хориж мамлакатларидан ташриф буюрган театр жамоаларининг спектакллари ўзбек томошабинларини бефарқ қолдирмади. "Бешинчи театр" номли Омск давлат драма театри В.Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" трагедияси асосида спектакл тақдим этди. Ҳозиргача қимматини йўқотмаган асар россиялик ижодкорлар томонидан ўзига хос талқин этилди. Спектакл воқеалари бугунги кунимизда бошланиб, Ромео ва Жульетта ҳақидаги афсона дунёга келган Уйғониш даврига қайтади.

Рачо Стоянов номидаги Болгария драма театри бугунги кунда дунё мамлакатларини қамраб олган муаммо ифода этилган "Қардон қутиларидаги ҳаёт" (муаллиф И.Кулеков, режиссёр Н.Митева) моноспектакли билан иштирок этди. Актёр Н.Урумов ижросида бутунжаҳон молиявий инқирози даврида ишсиз қолган собиқ инженернинг дард-изтироблари ифода этилган.

Улардан ташқари Исроилдаги Тель-Авив Камер театрининг "Реквием" (Х.Левин асари), Б.Кидикеева номидаги Қирғизистон давлат ёш томошабинлар театрининг "Шўх бола" (Ғ.Ғулом асари асосида), Тожикистон давлат рус драма

## "ОЛТИН ГЕПАРД" ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Танлов доирасидаги филмларни бахslash учун дунёнинг таниқли ва маҳоратли мутахассислари жалб этилди. Жумладан, тўлиқ метражли филмларни британиялик режиссёр, Британия кино ва телевидение академияси директори Ник Пауэлл, немис оператори, режиссёр, ёзувчи Томас Маух, хитой ёзувчиси, сценарийчи, рассом, фотограф Чжоу Ачэн, япон режиссёри, Япония кинорежиссёрлар гильдияси раиси Сай Еити ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, актёр ва режиссёр Рустам Саъдуллаевдан иборат ҳайъат баҳолди. Қисқа метражли филмларни Франция киножурналистлар уюшмаси раиси, ФИПРЕССИ ва Европа киноакадемияси аъзоси Жан Руа, кинотанқидчи, Оксфорд кинофестивали асосчиси Филипп Бергсон ва ўзбек кинорежиссёри, сценарийчи Собир Назармухаммедов, анимацион филмларни эса режиссёр-аниматор Олег Ужинов, Генсанг Миллий университети профессори Хон Сан У ва аниматор-рассом, режиссёр Дмитрий Власов баҳолашди.

Тошкент кинофоруми доирасида "City Palace" анжуманлар залида "Замонавий кино: макон, замон, қалб" мавзусида илк бор халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан Нигора Каримова, Германиядан Ханс Иоахим Шлегель, Буюк Британиядан Ник Пауэлл ва Филипп Бергсон, Жанубий Кореядан Хон Сан У маърузалар билан иштирок этишди. Шунингдек, тадбирда Корея, Хитой, Япония, Россия, Франция, Испания ва бошқа давлат кинематографчилари ҳам қатнашди. Дунё кино санъатининг қизиқарли мавзуларига бағишланган маърузалар ҳайъат аъзолари, кинофорум меҳмонлари ва ўзбек кинематографчиларини мунозарага чорлади. Бундай фикр алмашинушлар кино санъатининг янада ривожланиши, ижодий таърибларини ошиши ва албатта, миллий кинематографиянинг ўзига хос моделини яратишда муҳим рол ўйнаши табиий.

Бўлажак кино ижодкорлари учун ташкил этилган маҳорат дарсларида нафақат ёшлар, балки фан номзодлари ҳамда фан докторлари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди. Қизиқарли услубда ўтказилган маҳорат дарсларидан бирида Ник Пауэлл шундай деди: "Продюсерлар нафақат филм яратилишига қадар, балки тайёр маҳсулотни оммага тарғиб қилишда ҳам фаол ҳаракат қилиши лозим. Шунинг учун продюсер ва режиссёр бир мақсад йўлида ишлаши, изланиши шарт. Продюсернинг иши филмнинг дунёга келиши ва яшаб кетишида жуда муҳим".

Кинофорум кунларида Алишер Навоий номидаги санъат саройида уч маҳал кўриклар ташкил қилинди. Кино ижодкорлар, бўлажак соҳа вакиллари, талабалар, мухлислар Ўзбекистон давлат студияларида яратилган Ҳотам Файзиевнинг "Ёзсиз йил", Баҳодир Одиловнинг "Жасур", Акбар Бектурдиевнинг "Бахт уйи", Аюб Шаҳобиддиновнинг "Кечиккан ҳаёт" ва Мансур Абдуҳалиқовнинг "Урғимчак тўри" филмларини томоша қилдилар. Ўзбекистон руҳ, миллий урф-одатлари ва анъаналар асосида яратилган, мавзу жиҳатдан турлича филмларни ўзбек томошабинлари билан биргаликда кинофорумга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам экрандан кўз узмай томоша қилишди. Айниқса, "Ёзсиз йил" ҳамда "Бахт уйи" филмларидаги қаҳрамонларнинг ички кечинмалари меҳмонларни бефарқ қолдирмади.

Анжуман доирасида бир неча студияларда яратилган янги филмлар тақдими ҳам ўтказилди. Байрамона безатилган санъат саройига ташриф буюрганлар ҳақиқий кино санъати байрами шукрунини хис этишганини уларнинг кўтаринки кайфиятидан ҳам англаш мумкин эди. Кино намойишидан олдин ёш актёрларнинг чиқишлари, уларнинг таъриқ сўзлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, халқаро кинофорум доирасида Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Франция институти, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмармаси ҳамкорлигида француз кинематографчиси Жак Тати филмлари намойиши ўтказилди.

Тадбир доирасида журналистлар билан матбуот анжуманлари ўтказиб турилди. Бу нафақат киноижодкорлар,



балки журналистларимизнинг ҳам мазкур соҳадаги билим ва кўникмалари мустаҳкамланишига ҳисса қўшди. Қизиқарли савол-жавоблар жараёнида журналистларимиз бор маҳоратларини ишга солишга ҳаракат қилишди. Шунингдек айрим ёш журналистларнинг дунё кинематографчилари билан жаҳон тилларида тўғридан-тўғри эркин мулоқот қила олгани диққатга сазовордир.

"Олтин Гепард" 2-Тошкент халқаро кинофорумининг энг қутулган лаҳзаси — тақдирлаш маросими "Туркистон" саройида бўлиб ўтди. Олти номинация бўйича голиблар аниқланди. "Энг яхши фильм" сифатида полшалик режиссёр Феликс Фалькнинг "Иоанна" фильми Гран-прига сазовор бўлди. "Энг яхши режиссура" учун Роландо Колланинг "Ёзги ўйинлар" фильми (Швецария-Италия) тақдирланди. Феликс Фалькнинг "Иоанна" фильмидаги роли учун Урсула Грабовская (Польша) "Энг яхши аёл роли", Константин Божановнинг "АВЕ" фильмидаги роли учун Ованес Торосян (Болгария) "Энг яхши эркак роли" учун аталган совринни қўлга киритди. Режиссёр Велико Поповичнинг "Муҳаббат тарихи" (Хорватия) фильми "Энг яхши анимацион фильм", режиссёр Сейфулла Самадиддиннинг "5 қисқа ҳодиса" фильми (Эрон) "Энг яхши қисқа метражли филм учун" номинацияларида голибликни қўлга киритди. Голибларга диплом ҳамда "Олтин Гепард" ҳайкалчаси топширилди.

Маросимда жаҳоннинг ва ўзбек халқининг машҳур кино ижодкорлари ҳамда киношунослар қатнашди.

Шундай қилиб юксак савияда ўтказилган Тошкент халқаро кинофоруми ўз иштини якунлади. Анжуман, энг аввало, ўзбек кино ижодкорларига дунё кинематографчилари билан мулоқот қилиш ва фикр алмашинуш имконини бергани билан аҳамиятли. Қолаверса, мазкур анжумандан олинган муносиватли миллий кино санъатимизда, албатта, ўз ифодасини топади.

Хафиза НИЁЗОВА, Санъатшунослик институти тадқиқотчиси

## САҲНАГА СОДИҚ АКТЁР

Театр актёрлари ҳақида сўз борганда, мухлислар кўз ўнгида, аввало, улар ижро этган роллар намоён бўлади. Актёрнинг қалб кечинмалари, дунёқарashi ва эстетик қарашлари у яратган қаҳрамонлар тисолида яшайди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ҳам ана шундай ижодий камолотга эришган, саҳна ва экран санъатида яратган образлари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлган атоқли актёрлардан биридир.

Ўтган асрнинг 70-йилларида профессионал театр саҳнасига кириб келган ижодкор илк фаолиятини Сурхондарё вилоят театрида бошлади. Санъат институти тамомлаган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар билан биргаликда иш бошлаган актёр тез орада ижодий жамоанинг етакчи аъзоларидан бирига айланди. Ёш актёрнинг изланишлари соҳа мутахассисларини ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Бу актёр ижодининг истиқболдан дарак эди. Эътиборли жиҳати, М.Абдуқундузов-

нинг Миллий театрдаги кейинги фаолияти ҳам ана шундай ижодий руҳда кечди.

Тўғри, М.Абдуқундузов мухлислар орасида дастлаб кино актёри сифатида танилди. Атоқли адиб Пириқул Қодировнинг "Юдузли тунлар" романи асосида суратга олинган видеофильмда бош қаҳрамон — шох Бобур сиймоси актёр ижодидаги энг етуқ роллардан бирига айланди. Бу образ ижодкорга машҳурлик келтириш билан бирга, ўзига хос мактаб вази-фасини ҳам ўтади. Айниқса, актёр тилидан айтилган ғазаллар мухлислар томонидан севиб тинланди.

Кино санъатида эришган муваффақиятларига қарамай, актёр театр саҳнасида узоқлашгани йўқ. Аксинча, мамлакатимизнинг истиқлол эришиши, театр санъатини ривожлантириш йўлида амалга оширилган

ислохотлар актёрга ўз иқтидорини намойиш этиш учун катта имкониятлар яратди. Шу йиллар М.Абдуқундузов ижоди кўллаб баркамол роллар билан бойиди.

Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Исқандар сингари тарихий қаҳрамонлар сиймоларини яратишга эришган актёр, ўз устида изланишдан тўхтагани йўқ. "Кундузсиз кечалар" спектаклидаги Чўлпон роли актёрнинг сўнгги йилларда яратган етуқ образларидан бирига айланди.

Ўзбек миллий академик драма театрида М.Абдуқундузовнинг актёрлик фаолиятига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Ижодкорнинг кўп сонли мухлислари, таниқли санъаткорлар иштирокида ўтган тадбирда актёрнинг ижодий йўли, роллари ҳақида сўз борди.

— Муҳаммадали Абдуқундузов

бугун миллий театримизнинг забардаст актёрлари қаторидан ўрин олган етуқ ижодкорлардан бири, — деди "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Омонулла Ризаев. — Ушбу актёр яратган ранг-баранг образлар аллақачон театримиз хазинасидан жой олишга улгурган. Шу ўринда М.Абдуқундузов ижоди ўзбек актёрлик санъатининг ривожига ҳам салмоқли хисса қўшганини эътироф этиш лозим. Зеро, актёр ижоди театр санъати доирасида чекланиб қолгани йўқ. Ўтган йиллар ичида у ўзини саҳна санъатининг жонкуяри, ташкилотчи ва педагог сифатида ҳам намойиш этди.

Тадбир давомида томошабинлар эътиборига актёр ижро этган машҳур спектакллардан парчалар, бадиий филмлардан лавҳалар тақдим этилди. Мутахассислар, таниқли актёр ва режиссёрлар М.Абдуқундузовнинг ижодий маҳорати ҳақида сўзладилар. Эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури ижодий кечага алоҳида фойз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

### Таабир



### Маънавий ҳаёт

ЮНЕСКОнинг коммуникация ва ахборот бўйича доимий дастури доирасида 2008 йилдан буён маънавий-маънавий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон музейлари ва архив фондларидаги ноёб ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича лойиҳа амалга оширилляпти.

Мазкур дастур доирасида Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ваколатхонаси Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ноёб негативларни ойнага рақамлаш бўйича лойиҳани бажарди. Худди шундай лойиҳа Ўзбекистон давлат тарих музейида ҳам бажарилди. Музей директори Ж.Исмоиловнинг муражаатига биноан Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ваколатхонаси коллекциядаги ноёб негативларни ойнага рақамлаштиришга тайёр эканини билдирди. Музей архивариси З.Алимухаммедовнинг айтишича, ҳозир бу ерда ўн мингта яқин негатив сақланади. Уларда кўплаб археологик қурилмалар, ёдгорликлар, маданий-маиший буюмлар, турли соҳаларга тегишли материаллар, портретлар акс этган. Буларнинг бари халқимиз тарихи, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ноёб ҳужжатлардир.

Лариса ЛЕВТЕЕВА

Мақсуд Юнусовнинг номи тилга олинганда катта авлод вакиллари "Навоий" (Ойбек), "Улутбек хазинаси" (О.Ёқубов), "Гирдоб" (Ў.Усмонов), (П.Қодиров "Бобур"), "Юдузли тунлар", "Кеча ва кундуз" (Чўлпон) каби видеофилмларни орзиқиш билан эслайдилар. Режиссёр бу асарларни экранлаштираётганида ёзувчининг мақсадини, асосий гоёсини томошабинга тўғри ва ишонарли етказиб бериш билан бирга, актёрлар ансамбли яратишга, ифода воситаларидан моҳирлик билан фойдаланишга эришган.

Телевидениедаги ижодий фаолиятини режиссёр ассистенти сифатида бошлаган Мақсуд Юнусов изланувчанлиги, зийраклиги, танлаган касбига садоқати туфайли шу соҳанинг билимдони, етакчи мутахассисларидан бирига айланди. Дастлаб "Айиқ", "Илтимос", "Қишлоқ лўқмонлари", каби ихчам телевизион театрлар тайёрлади, кейинчалик таниқли ёзувчиларнинг асарлари асосида сценарий ёзиб, кўп қисмли телевизион саҳна асарларини томошабинларга тақдим этди. Улар орасида Вали Гафуровнинг "Вафодор", Жуманиёз Шариповнинг "Хоразм", Чингиз Айтма-

товнинг "Оқ кема" асарларини кўриш мумкин.

Мазкур асарлар асосидаги спектакллар профессионал режиссураси, муаллифининг асар гоёсини томошабинга мукамал етказиб беролгани билан мутахассислар ва мухлислар эътирофига сазовор бўлди. Шу билан бирга, бу саҳна асарлари кўллаб истеъдодларнинг юзага чиқишига ёрдам берди.

Маълумки, ёзувчиларнинг йирик асарларини экранлаштириш режиссёрдан жуда катта малака, билим, сабр-тоқат ва куч-ғайратни талаб қилади. Ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган Мақсуд Юнусов XX

аср ўзбек адабиётининг энг сара асарлари асосида видеофилмлар, суратга олиб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этди. Мазкур асарлар томошабинларга манзур бўлиш билан бирга, режиссёрга катта шукрат келтирди. Ўзбекистон телевидениесига нафақат республикамизнинг шаҳар ва қиш-

## МОҲИР ТЕЛЕРЕЖИССЁР

локларидан, балки қўшни республикалардан ҳам келган минглаб миннатдорлик мактублари бунинг далилидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек телевидениесида видеофилм жанрининг туғилиши ва шаклланишида Мақсуд Юнусовнинг хизмати катта бўлди.

М.Юнусов бадиий асарни чуқур ва нозик тушунадиган, экранбоп асарларни заргарона танлай била-

диган ўткир дидли ижодкор. Ҳар бир асарга телевидение санъати талаблари асосида эҳтиёткорлик билан ёндошишга одатланган режиссёр сценарий устида, экран талқини устида ойлаб, ҳатто йиллаб заҳмат чекиб ижод қилган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу ижодкорнинг асарларини теле-

видениенинг ранг-баранг дастурлари орасидан дарҳол ажратиш ошди мумкин. Уларда ёрқин миллий руҳ кўзга ташланиб турадиган, матонатли, фидойий, чуқур руҳий кечинмаларга бой, турли характердаги кишилар образи яратилган. Спектакллардаги драматик ҳолатлар таъсирчанлиги, ишонарлиги билан томошабинларда чуқур таассурот қолдиради. Шунинг учун режиссёр-

нинг ҳар бири янги асари телевидение тараққиётида воқеа сифатида кутиб олинган.

Атоқли режиссёр бой таърибаси,

### Икки оғуз дил сўзи

билимини ёшлар билан баҳам қўриб, улардан ёрдамини аямайди. Унинг С.Тўлаганов, Ғ.Ёқубов, Т.Мирзаев, М.Махамедов, Ф.Убайдуллаев, Н.Раззоқов, Ф.Искандаров сингари ўнлаб шоғирдлари телевидениеда, республикамиз театрларида фаолият кўрсатиб, эл-юрт хурматига сазовор бўлдилар.

Яхшилик уруғини сепган одам, албатта, унинг мевасидан ҳам баҳраманд бўлади. Зеро, устоз режиссёрнинг эллик йилдан ортиқ ижодий фаолияти халқимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Президентимиз фармонида мувофиқ М.Юнусов "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланди.

Эргаш РАХИМОВ



## ЭРТАКНИНГ АВВАЛИ

Бор экан-да, йўқ экан,  
Оч экан-да, тўқ экан.  
Оққуш кўкни кўзлар экан,  
Ҳамон эртақ сўзлар экан.  
Бургутнинг иши парвоз,  
Товуснинг юмуши пардоз экан.  
Хўроз қичқирса яйраб экан,  
Бедана ёқимли сайраб экан.  
Кавку "ку-ку"лар экан,  
Тўти уни санар экан.  
Турналар тизилар экан,  
Хумони излар экан.  
Қалдирғоч ин қураб,

## ТЕЗ АЙТИШ

Ўнг қўлимда чап қўлқоп,  
Чап қўлимда ўнг қўлқоп.

## ТОПИШМОҚЛАР

Яхши сўздан қувонар,  
Ёмон сўзга куйинар.  
Гар топсангиз, болалар,  
У сизлардан суюнар.

(тпн/сн)

## Ўзим ўқийман

Болалари давр сураб экан.  
Бойқуш вайронкор экан,  
Лочин исёнкор экан.  
Лайлаквой пулдор экан,  
Чег элга қатнар экан.  
Чумоли ишлар экан,  
Нивачи тишлар экан.  
Булбулжон машшоқ экан,  
Гул унга ошиқ экан.  
Кябутар кезар экан,  
Хатни етказар экан.  
Ари асалчи экан,  
Айяқ масалчи экан.  
Балқ бозорчи экан,  
Тимсоҳ озорчи экан.  
Сичқон кемирар экан,  
Мушук семирар экан.  
Кумри нағмачи экан,  
Саява оғмачи экан.  
Кўзичоқ ювош экан,  
Бўри доим оч экан.  
Туя карвончи экан,  
Элининг ишончи экан.  
Шер ўрмонда подшоҳ экан,  
Ҳайвонлар ҳолидан огоҳ экан.

Оёқсиз юрولмайди,  
Қанотсиз учолмайди.  
Тутқуликка тушса гар,  
Ҳеч қачон чиқолмайди.

(тпн/сн)

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМ,  
ЎЗМУ Ўзбек филологияси  
факультети 1-курс талабаси.



Дилшод Эшматов. Сир.

Абдухамид ака дорихона очди. Кишлоққа керак-да. Турган-битгани — савоб... Қолаверса, хотиндан бир-икки сўмини яшириб қўйса ҳам бўлади...

Лекин кўп ўтмай, ака дорихонасини буткул беркитди. Ҳатто дарчасини гишт билан уриб, суваб ҳам ташлади. Сабабини сўрасам, сирка хидлагандай ижирганиб гапириб берди:

— Дорихона очдим, уйда. Менда уйдан бошқа жой бўлмагандан кейин, уйда очаман-да, домда очармидим. Хайруллонинг амбулаторияси яқин, у дори ёзиб беради, мен сотаман, деб ўйлагандим-да. Аммо... Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Одамлар қаҳириб келди, биз бир-биримизга қараймиз: "Биров қаҳирятими ё менига шундай туюлди?"

— Кундузи майли, чидаймиз, дейишди кўшнлар, — аммо кечаси...  
Оқсоқолимиз уларни қувватлади:

— Савобли ишга қўл ургансан, тушунамиз. Кишлоғимизга дорихона керак. Аммо бизга уйку ҳам лозим-да! Кишлоқнинг нариги чеккасида туриб мен эшитаман дори сўраб келган одамнинг бақирганини, сен эшитмайсан. "Девор тепилсин ёки дарвоза тақиллатилсин!" деб ёзиб қўйсанг, қандоқ бўларкин?

Оқсоқол деган номи бор, сўзини қайтаролмадим. Ҳасанбой домлага тозасидан юз грамм қуйиб бериб, "Бақирилмасин! Девор тепилсин ёки дарвоза тақиллатилсин!" деган лавҳага эга бўлдим.

Аммо деворимизнинг шувоғи кўчгани, дарвозамизнинг кулаб

тушгани қолди: кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Бақирганини эшитмаганлар, тақиллатгани билармиди?

— Тўғри, савобли ишга қўл ургансан! — деди оқсоқол. — Дорихона кишлоғимизга сув билан ҳаводек зарур. Бироқ юртга тинчлик ҳам керак. Дупур-

финг жиринглайди. Болалар туюриб, мактабга отланади. "Ёт-ёт, ёт! Дорихонанинг кўнғироғи жиринглайпти!" деб уларни ётқизгунча, тонг отиб қоплати! Яхши-си, оёғингга ип ёки арқон боғлаб ётсанг... Дори-дармон керак одам арқонни тортади, вассалом.

Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Аммо тирикчилик — дорихона ҳам керак. Ноилож оёғимга арқон боғлаб ётишга мажбур бўлдим. Энди

бу ёғини тасаввур қилаверинг: оёғига арқон боғлаган камина хотиннинг ёнидаман... "Асалим, шакарим!" дегунимча, арқон тортилади... Майли, бунисига чидадим. Аммо шимни топгунимча, арқон яна тортилади. Қўлда шим билан гуппа қулайман. Бир илож қилиб, оёқни шимга тикмоқчи бўламан, арқон яна тортилади. Хотинни туртаман. "Тур, ёрдам, ёрдам!" дейман, қўлдоғи оғир, эшитмайди, имо-ишора билан тушунтирган бўламан, тушунганча арқон тортилади, гуппа қулайман, оёғига тирмашаман. Бир илож қилиб ўрнимдан тураман. Хайрият, фаросати бор, икки-уч марта кулашим билан масалага тушунади. Мени суяшга, шимини кийдириб қўйишга киришади. Қани энди, эгласининг иложи бўлса. Хотин кўлтигимга қиради, мен шимни киймоқчи бўламан, арқон тортилади, гуппа қулаймиз. Хотин мени тепага тортади, арқон кўчага. Уртада уч-тўрт бор бориб-келиб тураман — хотин билан кўчанинг қўлида. Билмадим, Ҳожи полвонга дори-дармон керак бўлиб қолганми?

А? Нима дедингиз?  
Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган...

— Тушунамиз, — деди оқсоқол, — савобли ишга қўл ургансан. Аммо бизниям тушунгин-да! Энди хотинга икки оғиз гап айтмоқчи бўлганимда, кўнғиро-

завқни туяди.  
Тўпламга мунаққид Дониёр Бегимкулов сўзбоши ёзган. Мухаррир Н.Саъдуллаев.

— Дорихона очдим, уйда. Менда уйдан бошқа жой бўлмагандан кейин, уйда очаман-да, домда очармидим. Хайруллонинг амбулаторияси яқин, у дори ёзиб беради, мен сотаман, деб ўйлагандим-да. Аммо... Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Одамлар қаҳириб келди, биз бир-биримизга қараймиз: "Биров қаҳирятими ё менига шундай туюлди?"

— Кундузи майли, чидаймиз, дейишди кўшнлар, — аммо кечаси...  
Оқсоқолимиз уларни қувватлади:

— Савобли ишга қўл ургансан, тушунамиз. Кишлоғимизга дорихона керак. Аммо бизга уйку ҳам лозим-да! Кишлоқнинг нариги чеккасида туриб мен эшитаман дори сўраб келган одамнинг бақирганини, сен эшитмайсан. "Девор тепилсин ёки дарвоза тақиллатилсин!" деб ёзиб қўйсанг, қандоқ бўларкин?

Оқсоқол деган номи бор, сўзини қайтаролмадим. Ҳасанбой домлага тозасидан юз грамм қуйиб бериб, "Бақирилмасин! Девор тепилсин ёки дарвоза тақиллатилсин!" деган лавҳага эга бўлдим.

Аммо деворимизнинг шувоғи кўчгани, дарвозамизнинг кулаб

тушгани қолди: кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Бақирганини эшитмаганлар, тақиллатгани билармиди?

— Тўғри, савобли ишга қўл ургансан! — деди оқсоқол. — Дорихона кишлоғимизга сув билан ҳаводек зарур. Бироқ юртга тинчлик ҳам керак. Дупур-

финг жиринглайди. Болалар туюриб, мактабга отланади. "Ёт-ёт, ёт! Дорихонанинг кўнғироғи жиринглайпти!" деб уларни ётқизгунча, тонг отиб қоплати! Яхши-си, оёғингга ип ёки арқон боғлаб ётсанг... Дори-дармон керак одам арқонни тортади, вассалом.

Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган... Аммо тирикчилик — дорихона ҳам керак. Ноилож оёғимга арқон боғлаб ётишга мажбур бўлдим. Энди

бу ёғини тасаввур қилаверинг: оёғига арқон боғлаган камина хотиннинг ёнидаман... "Асалим, шакарим!" дегунимча, арқон тортилади... Майли, бунисига чидадим. Аммо шимни топгунимча, арқон яна тортилади. Қўлда шим билан гуппа қулайман. Бир илож қилиб, оёқни шимга тикмоқчи бўламан, арқон яна тортилади. Хотинни туртаман. "Тур, ёрдам, ёрдам!" дейман, қўлдоғи оғир, эшитмайди, имо-ишора билан тушунтирган бўламан, тушунганча арқон тортилади, гуппа қулайман, оёғига тирмашаман. Бир илож қилиб ўрнимдан тураман. Хайрият, фаросати бор, икки-уч марта кулашим билан масалага тушунади. Мени суяшга, шимини кийдириб қўйишга киришади. Қани энди, эгласининг иложи бўлса. Хотин кўлтигимга қиради, мен шимни киймоқчи бўламан, арқон тортилади, гуппа қулаймиз. Хотин мени тепага тортади, арқон кўчага. Уртада уч-тўрт бор бориб-келиб тураман — хотин билан кўчанинг қўлида. Билмадим, Ҳожи полвонга дори-дармон керак бўлиб қолганми?

А? Нима дедингиз?  
Кулоғим оғирроқ, хотин ҳам ўзимга ўхшаган, бу касаллик онамдан ўтган...

## ЮГУРИШ АФЗАЛМИ ЁКИ ПИЁДА САЙР ҚИЛИШ?

"Инфарктдан югуриб қутилинг", деган шиор бутун эскирди. Чунки юрак хасталикларидан фориг бўлишнинг самарали йўллари кашф этилди. Хусусан, олимлар югуриш эмас, пиёда сайр қилиш юрак-қон томир хасталикларини хавфини етти баробар камайтириб, умрни 5-7 йилга узайтириши мумкинлигини исботлашди.

Ихтимой сўровларда аниқланишича, аҳолининг 9,2 фоизи оёғига бир-икки марта пиёда юриди, олтиш фоиздан ортиғи эса уйдан ишгача транспортда бориб келишни маъқул кўраркан. Машҳур юрак жарроҳи Л.Бокерия ўзи ибрат кўрсатиб, вазиятни ўзгаришига қарор қилди. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори шанба кунлари эрта тонгда бир гуруҳ хоҳловчилар билан пиёда сайр қилади. Ҳар қандай об-ҳавода ҳам тўхтаб қолмайдиган бу сайрга ҳар ой камидан икки марта чиқилади.

"АиФ" мухбирининг ёзишича, пиёдалар орасида озгин кекса аёллар ва йигитлардек қадди расо ўрта ёшли эркаклар кўп экан. Аксарият академик Л.Бокерия билан суҳбатлашиш насиб этса, унинг фикрини эшитаман, деган умидда касаллик тарихи ва ташхиз қоғозларини ҳам чўнтақларига солиб олишаркан. Бир кекса аёл икки йил бурун операция қилинган набираси билан келибди, набирасининг ҳаётини сақлаб қолгани учун Лео Антоновичга миннатдорлик билдирмоқчи экан. Пиёдалар сайр олдида қон босими, томир уриши, шунингдек, қанд миқдорини ўлчатарканлар.

— Кўп жойларда саломатлик марказлари ташкил этилган. Истаган киши уларда тўлиқ текширувдан ўтиши мумкин, — дейди академик. — Бироқ мижозлар кам. Федерал округларда очилган юрак-қон томир жарроҳлиги марказларида ҳам белгиланган квотани бажариш мушкул, беморлар камчил. Одамлар онда-

## СОҒИНАНГ — БОЙЛАНАНГ...

сонда мурожаат қилишади. Негадир шифокорлардан кўра табибларга боришни маъқул кўришади.

Академикка артериал қон босими бўйича кўп савол беришаркан. Йигитлар орасидан бир киши "Қон босими меъёри қанча бўлиши керак?" деб сўради. Қисқача жавоб шундай бўлди: 120/80 — 110/70 бўлишига ҳаракат қилиш зарур. Бундан бошқача бўлса, дарҳол шифокорга учрашинг. Шу мавзуда яна бир савол: "Қон босими кўтарилишининг илк босқичларида нима қилиш керак?" Жавоб лўнда бўлди: ортиқча таом емаслик, ортиқча ичиб қўймаслик ва ҳаракатдан тўхтамаслик керак! Гипертониянинг илк босқичини жисмоний машғулотлар, масалан, пиёда сайр ёрдамида муваффақиятли доволаш мумкин.

Сайр чоғи мухбир академикка шундай савол билан мурожаат қилди: "Кўплар ишга бориш ва қайтишда транспортларнинг биданан иккинчисига чоққиллаб жисмоний фаоллик нормасини ошириб бажарамиз, деб ўйлайди. Шу тўғрими?"

— Уй билан ишона ўртасидаги югур-югурларнинг жисмоний фаоллиқка ҳеч қандай алоқаси йўқ, — дейди академик. — Чоққиллаш, югур-югурлар стресс, яъни руҳий зарба олишининг айни ўзи. Сайру савҳат билан стресс бир-бирига зид ҳолатлардир. Сайр тоза ҳавода, бир маромда, мунтазам равишда бир хил масофани босиб ўтишдир.

— Об-ҳаво, магнит буронлари кайфиятга таъсир этадими?  
— Юраги хаста кишиларнинг аҳоли-руҳияси ҳақиқатдан ҳам об-ҳавога боғлиқ. Улар ҳарорат ва босим мўътадил бўлган вақтда ўзларини яхши ҳис этадилар. Босим ва ҳарорат кескин ўзгарганда эса, шифокорга кўп мурожаат қиладилар. Бундай пайтда организмни мухташамловчи ҳаракатларга (сузши, кўпроқ сайр қилиш) эътибор бериб, ичаётган дорилари дозасини биров ошириш керак бўлади.

— Шифокорлар билимини муттасил ошириб боради. Уларнинг мижозлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкинми?

— Бугун умрни узайтиришнинг имкониятлари жуда кўп. Шифокор ҳатто ўта хаста бемор умрига ҳам ўн йиллаб умр қўйиши мумкин. Бироқ одамнинг беморлиқ туйғали машаққат билан яшаб юриши эмас, балки тўлақонли ҳаёт кечира олиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Бу — энг муҳими. Одамлар мана шу ҳақиқатни англашлари керак.

... Бир маҳал академикнинг ҳамкасблари ёнига йиғидан кўзи ёшланган ўрта яшар аёл келди. Ольга исми бу аёлнинг айтади, унинг талаба ўғли оғир хаста, шифокорлар унга ҳар қандай жисмоний машаққат қўйганини. Жарроҳлик амали зарур экан. Шу жойининг ўзида рентген тасвири, кардиограмма, ультратовуш текшируви натижалари кўздан кечирилиб, йиғича соппа-соғ, деб топилди. Фақат унинг юрагида қўшимча хорда борлиги, бу юракдаги кичик нотабийлик бўлиб, кайфиятга ҳам, жисмоний машқлар билан шуғулланишга ҳам салбий таъсир кўрсатмаслиги айтилди. Аёл сайрни давом эттирган шифокорлар ордидан узоқ қараб турди. Ҳаёлидан ёлғиз ўғлининг умрига таҳдид солаётган "ўлим ваҳми" ариган бу аёл каби, айни ҳолатда одам ростдан ҳам қайққа боришини билмай қоларкан...

— Америкалик ва шведиялик олимлар тадқиқот олиб бориб, вазни оғир, семиз одамлар орасида ҳам соғлом кишилар кўп, деган хулосага келишди. Текширувдан ўтган семиз кишиларнинг 46 фоизига модда алмашинуви меъёридалиги, улар озгин кишиларга нисбатан юрак хасталикларига камроқ чалиниши аниқланди. Бунга ишонса бўладими?

Тиббиёт фанлари номзоиди И.Решетниковнинг жавоби шундай:

— Текширувдан ўтган семиз одамларнинг ярмига яқинида модда алмашинуви меъёрида бўлса-да, уларда қандли диабет, сурункали панкреатит ва гастрит (ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши), ҳайз келишининг тўхташи ва жинсий ожизлик, ҳарсиллаш, аъзоларда шимларнинг бўлиши шубҳасиз. Бу ҳали семизликка "доимий ҳамроҳ" бўлган хасталикларнинг ҳаммаси эмас. Бундан ташқари, юракнинг ёғ босиши юрак-қон томир тизимини издан чиқаради. Шу боис, мен ҳаммиша ортиқча тўйиб овқатланмасликни маслаҳат берган бўлур эдим. Вазнинг меъёридагидан ҳатто ўн килога ошиши ҳам кўпгина касалликларнинг келиб чиқиш хавфини пайдо қилади.

"АиФ"нинг 37-, 39-сонларидан.

## "ТОЛЕ ҚАСРИ"

Чин кўнгилдан чиққан шеърий мисраларни ўзида жамлаган китоб мисоли фарзанддек шоир учун азиз ва қадрлидир. Шу маънода шоир Сулаймон Хайдар Касбийнинг рубойилар, туюқ ва фардлари жамланган "Толё қасри" деб номланган тўпламининг илк саҳифасида эпиграф сифатида келтирилган куйидаги тўртлик ўзида мажмуа мундарижасини ифодалаб турибди.



Ишон фарзандига мудом гирёна,  
Дард малҳами эрур, улди ягона.  
Азал муҳрланган башар онгда,  
Фарзанднинг фарзанди ширин дурдона.

Шоир мумтоз адабиётимиз жанрла-

рида қалам тебратаркан, улуг салафлар иҳодидан олган сабоқларига таянади, уларга катта ҳавас билан эргашиб, масъулиятни ҳис этиб ўз сўзини айтишга интилади.

Тўпламдаги қатор рубойилар, туюқлар ва фардларда инсон, унинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрни ва бурчи, инсоний фазилатларнинг қадр-қиммати, меҳр-оқибат, садоқат туйғуларининг тараннуми етакчилик қилади. Куйидаги фардлар фикримизга далил бўлади, деб ўйлаймиз:

Садоқат бор, дўстлар, шундан дунё бор,  
Садоқатсиз дунёда кўп савдо бор.

Сув ва замин шукронасин қил, кўнгил,  
Одам кўксин чаман этган сув ва гил.

Шоир бир рубойида ёзганидек, унинг бу тўпламидаги битиклари кимгадир хушраво, ким учундир, эҳтимол нобоп туюлар. Албатта, зукко ўқувчи улардан ўзига керак маънони топади,

завқни туяди.

Тўпламга мунаққид Дониёр Бегимкулов сўзбоши ёзган. Мухаррир Н.Саъдуллаев.

## "МЕҲРИСТОН"

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган шоир Ашурани Боймуроднинг янги китобида бир неча шеърлари ва "Меҳристон" номли достони киритилган.

Тўпламдаги шеърлар мавзусига кўра турли-туман. Чунончи, "Ватан", "Юртимнинг ёши" шеърларида она-юрт васф этилган бўлса, йил фасллари бағишланган "Баҳорга таъзим", "Ёз кайноғи", "Саратон", "31 август. Ёз оқшоми" каби



шеърларда саҳий табиатимизнинг тенгсиз малохати, тирикчилик бахш этадиган қуввати, таровати куйланган. Ушбу мисралар бунга бир далилдир:

Куртақлар лабига югурар ханда,  
Илқлик жўш ураб юракда, танда.  
Ажб бир сеҳр бор бизнинг Ватанда,  
Дилмида кўнғим, дилмида назм —  
Баҳорга таъзим.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир мазкур тўпламдаги "Дийдорга йўл" сарлавхали сўзбошида ёзганидек, "Бу тўплами, таъбир жоиз бўлса, шоир меҳр чашмасидан тутилган кўнгил гулоби дейиши мумкин. Аслида яхши шеър жисмини эмас, кўнгилни сархуш қилади".

Китобга Шукур Курбон муҳаррирлик қилган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ Вазирлиги,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ"  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз:  
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ



Тахриратга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри тахрирот нукати назардан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босмақона назарини Ёзувчи Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. Адади — 4872 Буюртма Т — 1044. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.  
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ  
ЭРКИН

ISSN 2363-614X

